

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2022 йил 21 апрель, № 82 (8144) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 28 декабрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2022 йил 17 мартда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади нобанк кредит ташкилотлари фаолияти ва микромолиялаштириш фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик**

Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Нобанк кредит ташкилотлари**

Банклар томонидан амалга ошириладиган айрим молиявий операцияларнинг ушбу Қонунда рухсат этилган мажмуини амалга оширувчи қуйидаги кредит ташкилотлари нобанк кредит ташкилотидир:

микромолия ташкилоти – микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширувчи, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахс;

ломбард – шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закалат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли микроқарзлар беришга доир фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти – молиявий маблағларни жалб қилиш ва уларни ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс.

**4-модда. Нобанк кредит ташкилотларининг фаолияти**

Микромолия ташкилотлари:

микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширишга;

тўлов агенти (субагенти) ёки банкларнинг, суғурта ва бошқа молия ташкилотларининг агенти вазифаларини амалга оширишга;

ўзи амалга ошираётган фаолият билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга;

тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошадиган миқдорда кредитлар, лизинг, кафолатлар беришга, факторинг хизматлари ва исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатишга ҳақли.

Исломий молиялаштиришга оид хизматлар деганда исломий молиялаштиришни амалга ошириш стандартларини белгиловчи халқаро ташкилотларнинг қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) томонидан ишлаб чиқилган тартибда кўрсатиладиган молиявий хизматлар тушунилади.

Ломбардлар:

шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкнинг (ашёнинг) закалат тарзидаги гарови асосида жисмоний шахсларга қисқа муддатли (бир йилгача) микроқарзлар беришга;

жисмоний шахслардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни (ашёни) вақтинчалик сақлаш учун қабул қилишга ҳақли.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари:

1) қуйидагилар орқали ипотека кредитларини қайта молиялаштиришни амалга оширишга:

а) банкларга улар томонидан берилган ёки бериладиган ипотека кредитларига молиявий маблағлар тақдим этишга;

б) банклар томонидан берилган ипотека кредитлари бўйича талаб қилиш ҳуқуқини олишга;

в) пул маблағларини банклар томонидан чиқарилган ипотека қимматли қоғозларига жойлаштиришга;

2) ипотека кредитларини қайта молиялаштириш билан боғлиқ маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатишга ҳақли.

Нобанк кредит ташкилотлари хизматларни масофадан туриб (электрон хизматлар) кўрсатишга, Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозларини, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ва уларнинг қарз қимматли қоғозларини сотиб олишга, бўш пул маблағларини банкка омонатлар (депозитлар) сифатида киритишга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлишга ҳақли.

**(Давоми 2, 3, 4, 5-бетларда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ, БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республикада давлат хизматларини кўрсатишда бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартиришга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан **73 турдаги** маълумотнома ва ҳужжатлар тақдим этилиши талаби бекор қилиниб, давлат органлари томонидан ушбу маълумотларни "Электрон ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасидан фойдаланган ҳолда олиш тизими жорий этилди.

Шу билан бирга, аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш кўламини ошириш ва фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олдини олиш, давлат органлари ахборот тизимида мавжуд маълумотларни ишончли ҳимоя қилиш бўйича ишларни изчил давом эттириш зарур.

Жисмоний ва юридик шахслар учун давлат хизматлари кўрсатиш кўламини ошириш, аҳолининг масофадан туриб электрон давлат хизматларидан мустақил фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, бу борада барча учун тенг шароитларни яратиш орқали инклюзив муҳитни шакллантириш мақсадида:

1. **2022 йил 1 августдан** бошлаб:

а) давлат хизматларидан фойдаланиш учун шахсни идентификациялашнинг мавжуд тизим ва воситаларига қўшимча равишда **жисмоний шахсни идентификациялашнинг Мобил-ID тизими** (кейинги ўринларда — Мобил-ID тизими) жорий этилсин;

б) шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

Мобил-ID тизими "Электрон ҳукумат" тизими фойдаланувчиларини идентификациялаш бўйича ягона ахборот тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва шахсни унинг **мобил телефон рақами орқали** идентификациялашни назарда тутади;

шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялаш фуқаронинг хоҳишига кўра **давлат хизматлари маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ёки **нотариал идора** томонидан ёхуд **Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг** (кейинги ўринларда — ЯИДХП) **мобил иловаси** орқали амалга оширилади;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан бевосита **Марказ** ёки **нотариал идорага** мурожаат қилинганда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг асли тақдим этилади ҳамда Марказ ёки нотариал идора ходими томонидан фуқаронинг юзи рақамли форматда расмга туширилади, электрон шаклда қўл бармоғи изи олинади ва мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга боғланади;

Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациядан ўтиш учун фуқаро томонидан **ЯИДХПнинг мобил иловасидан фойдаланилганда** масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) усули ёки ID-картадаги электрон рақамли имзо қўлланилади ҳамда мобил телефон рақами ЯИДХПдаги шахсий кабинетга **бепул боғланади**;

бевосита Марказлар ёки нотариал идора орқали фуқароларни Мобил-ID тизимига идентификация қилиш **2022 йил 31 декабрга қадар тўлов ундирилмасдан**, **2023 йил 1 январдан** бошлаб базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 фоизи** миқдорида бир марталик тўлов ундирилган ҳолда амалга оширилади;

Мобил-ID тизими фойдаланувчилари **электрон рақамли имзони қўлламаган ҳолда барча давлат хизматларидан** (бундан молиявий хизматлар мустасно) фойдаланиши мумкин;

фуқаронинг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига юбориладиган барча хабарномалар унинг хоҳишига кўра ва белгиланган тўловлар асосида Мобил-ID тизими орқали идентификацияланган мобил телефон рақамига **SMS-хабар шаклида** юборилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Мобил-ID тизимини жорий қилиш ва келгусида техник қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Адлия вазирлигининг **Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармаси** ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг **бюджетдан ташқари маблағлари** ҳисобидан тенг миқдорда ёхуд қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган **бошқа манбалар** ҳисобидан амалга оширилади.

3. Қуйидагилар аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш бўйича вазифаларни амалга оширишда Адлия вазирлигининг келгуси беш йилликдаги устувор фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

**"Давлат хизматларини кўрсатишда фуқаро эътибор марказида"** (Citizen – centric service) тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини модернизация қилиш;

Марказлар фаолиятида қўлланилаётган ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини кенгайтириш, **аҳолининг электрон давлат хизматларидан фойдаланиш даражасини кескин ошириш** ҳамда иш юритишни **"қоғозсиз"** тамойил асосида олиб бориш;

**бизнес жараёнларини модернизациялаш усуллари** (Business Process Reengineering) асосида ҳар бир давлат хизматини мақбуллаштириш, шу жумладан, муддатлар ва талаб этиладиган ҳужжатлар сонини максимал даражада қисқартириш орқали **"бир дарча" тамойилини амалиётга тўлиқ татбиқ этиш**;

ижтимоий-иқтисодий ва технологик ривожланишнинг жорий ҳолати, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб **давлат хизматларининг янги турларини** йўлга қўйиш ҳамда ўз аҳамиятини йўқотган давлат хизматларини **бирлаштириш** ёки **бекор қилиш**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда **инклюзив муҳитни** яратиш;

давлат органларининг ташаббуси асосида **проактив давлат хизматлари** ҳамда битта сўров бўйича ўзаро боғлиқ **композит давлат хизматлари** кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

**ўзига ўзи хизмат кўрсатиш** учун зарур шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат хизматларидан **мустақил фойдаланиш кўникмаларини ошириб бориш**.

4. Қуйидагилар:

**Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегияси** 1-иловага мувофиқ;

**(Давоми 5-бетда).**

# ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ РАИСИНИНГ МАҚОЛАСИ ҲИНДИСТОН ОАВ САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг "Меҳнат муносабатларини ривожлантириш Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни барпо этишнинг асосий пойдеворидир" сарлавҳали мақоласи Ҳиндистоннинг "Diplomatist.com" веб-сайти ҳамда "India Uzbekistan Investment Corridor" порталида эълон қилинди, деб хабар бермоқда "Дунё" АА мухбири.*

EXTRAORDINARY AND PLENIPOTENTIARY DIPLOMATIST
Analysing International Relations

**Биз ва жаҳон**

Мазкур мақолада ўтган беш йилда Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда эришилган натижалар, хусусан, меҳнат муносабатларини ривожлантириш юзасидан халқаро тамойилларни жорий этиш борасида қўлга киритилган ютуқлар ўз ифодасини топган. Нашрда БМТнинг барқарор тараққиёт соҳасидаги мақсадларига мос келадиган аҳолининг турмуш сифатини ошириш ва инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган меҳнат муносабатлари ҳамда меҳнат бозорини ҳар томонлама ривожлантириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар орасида асосий ўринлардан бирини эгаллашига алоҳида урғу берилган.

Сенат Раиси мақолада ёзганидек, меҳнат соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар изчиллиги, тизимлилиги, самарадорлиги ва ўз вақтида бажарилиши билан изоҳланадиган давлат бошқарувидаги туб ўзгаришлар жамият ва давлат ривожининг асосий кўрсаткичларига айланди. Бу "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" тамойилини қатъий қарор топтириш, давлат органларининг барча вакилларига фуқаролар манфаатлари устуворлиги шароитида ишлаш имконини берди.

Муаллифнинг фикрига кўра, давлат органларининг очиқлиги туфайли ҳам фуқаролик жамияти, ҳам жаҳон ҳамжамияти вакиллари нафақат барча зарур ахборотни олмоқда ва турли лойиҳаларни амалга оширмоқда, балки тез ўзгариб бораётган дунёда жуда муҳим бўлган тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга муваффақ бўлмоқда.

"Бу асосий омиллар барча соҳаларни, шу жумладан, меҳнат бозори ва умуман, меҳнат муносабатларини тубдан такомиллаштиришга хизмат қилди ҳамда Янги Ўзбекистон шароитида учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишда бекиёс ўрин эгалламоқда. Саъй-ҳаракатларимизнинг асосий мақсади — халқ учун қулай яшаш шароитларини яратиб бериш, одамлар келажакка ишонч билан қарай олишини таъминлашдир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев айтганидек: "Қисқа даврда мамлакатда янгиланишлар нафаси кириб бормаган бирорта соҳа ва тармоқ, шаҳар ва туман, қишлоқ ва маҳалла қолмади", деб ёзади Т. Норбоева.

Мақолада келтирилганидек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси туфайли инсон ҳуқуқлари ва уларнинг кафолатларини таъминлаш, шунингдек, мажбурий меҳнатга, жумладан, болалар меҳнатига барҳам бериш борасида аниқ натижаларга эришишга муваффақ бўлинди. Меҳнат муносабатлари соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти учун ибратли тадбирларга айланиб улгурди. Хусусан, 2022 йил 10 март куни "Cotton Campaign" халқаро коалицияси Ўзбекистонга нисбатан қўйилган "пахта бойкоти" бекор қилинганини расман эълон қилди.

"Коалиция раҳбарияти бу тарихий муваффақият Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва пахтачилик соҳасини ривожлантириш йўлидаги ташаббуслари ва ислоҳотлари натижаси эканини таъкидлади", деб ёзади муаллиф.

Ўз навбатида, ўзбек пахтасига бойкотнинг бекор қилиниши, айниқса, қишлоқ жойларда миллионлаб янги иш ўринларини яратиш, шунингдек, республика тўқимачилик саноатига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга кўмаклашади.

Шу ўринда Сенат Раиси эришилган натижалар ҳақида сўз юритар экан, 2016 йилда болалар меҳнатига барҳам берилганини алоҳида қайд этади. Бунинг натижасида Европа парламенти ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага тўқимачилик баёноти киритилишини ратификация қилди. Ҳужжат ЕИ мамлакатларига 3 минг номдаги Ўзбекистон тўқимачилик товарларини олиб киришда миқдорий чекловларни бекор қилиш ва божхона тўловларини камайтиришни назарда тутади. "GSP+" мақоми доирасида Ўзбекистондан олиб кириладиган тўқимачилик маҳсулотлари учун божхона ставкалари пасайтирилди ва 4 фоиздан 12 фоизгача этиб белгиланди.

5

**Кенгаш йиғилиши**



## СЕНАТНИНГ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ АНИҚ БЎЛДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Сенат Раиси Танзила Норбоева олиб борди.*

Парламент юқори палатасида доимий асосда ишловчи сенаторлар ҳудудларда ўрганишлар олиб бораётганлиги туфайли онлайн шаклда ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисини 2022 йил 28 апрель куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Видеоконференцалоқа шаклида икки кун давом этадиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши назарда тутилган.

Жумладан, "Почта алоқаси тўғрисида"ги, "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"-ги, "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги, "Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"-ги ҳамда "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар муҳокама қилинади.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий хизматлар тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Қурол тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонунлар муҳокамаси режалаштирилган.

Қолаверса, сенаторлар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"-да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил I чорагидаги ижроси якунларига доир Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини ҳам кўриб чиқади.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ш. Ғаниевнинг фермер хўжаликлари фаолияти кафолатларини таъминлаш ҳолати юзасидан ахбороти эшитилади.

5

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

*Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг биринчи чоракдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи эшитилди.*



**Фракцияларда**

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида таъкидландики, ҳисобот даврида Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар қилинган.

Ҳисоботда келтирилишича, Президентимиз ва Ҳукумат томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 105,8 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджети даромадлари 41,9 трлн. сўмга ижро этилиб, шундан 34,5 трлн. сўм солиқ тушумлари, 9,5 трлн. сўм божхона органлари томонидан ундириш ҳамда 1,9 трлн. сўм бошқа тушумлар ҳиссасига тўғри келди. Давлат бюджетининг харажатлари эса 42,9 трлн. сўм бўлди. Амалга оширилган жами харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 25,4 фоиз ошган.

Шунингдек, инвестиция йўналишида жорий йил январь — март ойлари якуни билан жами қиймати 2 млрд. 448 млн. долларга тенг хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

Депутатлар аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳозирги кундаги энг долзарб вазифалардан бири эканлигини айтган ҳолда, ҳисобот даврида 1 минг 520 та лойиҳа ишга туширилиши натижасида 25 мингга яқин янги иш ўринлари яратилганини ижобий баҳолади.

Жорий йилнинг 1 апрель ҳолатига Экспортни рағбатлантириш агентлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан 307 та корхонага экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун 172 млн. долларлик молиявий ресурслар ажратилгани алоҳида таъкидланди.

Фракция аъзолари амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, Давлат дастури айрим бандларининг бажарилиши кечикаётгани, баъзи вазифалар ижроси ҳозирда таъминланмаганини айтиб, мавжуд муаммоларни ижобий ҳал этиш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар берди.

Йиғилишда Давлат дастурининг биринчи чоракдаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботни кўриб чиқиб, инсон капиталини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича салмоқли ишлар бажарилганини эътироф этди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш мақсадида 2022 йил 9 февраль куни Вазирлар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун Молия вазирлиги томонидан тегишли ҳудудлар маҳаллий бюджет маблағларидан жами 200 млрд. сўм маблағ Халқ таълими вазирлигининг алоҳида ҳисобварағига йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

6

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**5-модда. Микромолиялаштириш фаолияти**

Юридик шахсларнинг қуйидаги хизматларни кўрсатишга доир фаолияти микромолиялаштириш фаолияти деб эътироф этилади:

жисмоний шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида эллик миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини – микроқарз бериш;

тадбиркорлик субъекти ёки ўзини ўзи банд қилган шахс бўлган қарз олувчига тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш, шунингдек шартномада назарда тутилган ҳолларда муайян мақсадлар учун фойдаланиш шартларида уч юз миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда пул маблағларини – микрокредит бериш;

жисмоний шахсларга микроқарз суммасидан ошмайдиган миқдорда кредитлар ва кафолатлар бериш, исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектларига микрокредит суммасидан ошмайдиган миқдорда лизинг ва кафолатлар бериш, факторинг хизматлари ҳамда исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш.

Банклар, микромолия ва тўлов ташкилотлари, шунингдек микроқарзлар беришга оид қисм бўйича ломбардлар микромолиялаштириш фаолиятини амалга оширишга ҳақли.

**6-модда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир чекловлар**

Нобанк кредит ташкилотлари қуйидагиларга ҳақли эмас:

бевосита ишлаб чиқариш, суғурта, шунингдек савдо фаолиятини амалга оширишга, бундан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатувчи микромолия ташкилотлари мустасно ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолиятни амалга оширишга;

жисмоний ва юридик шахслардан омонатларни (депозитларни) жалб этишга;

жисмоний шахс бўлган иштирокчилардан (акциядорлардан) устав фондига (устав капиталига) киритилган ҳисса суммасидан ёки уларнинг эгалигидаги акцияларнинг номинал қийматидан ошадиган миқдорда қарз маблағларини жалб этишга, бундан облигациялар шаклидаги қарз маблағларини жалб этиш мустасно.

**7-модда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир талаблар**

Нобанк кредит ташкилоти ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида:

нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиши;

устав фондини (устав капиталини) ушбу Қонун 17-моддасининг учинчи қисмида белгиланган миқдордан кам бўлмаслигини таъминлаш;

раҳбар ходимларнинг ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаши шарт.

Ломбард ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган талаблардан ташқари касса хонасининг Марказий банк талабларига мувофиқлигини таъминлаши керак.

**8-модда. Нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятига доир маблағларнинг манбалари**

Нобанк кредит ташкилотларининг ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари, грантлар, шунингдек ўз иштирокчиларидан (акциядорлардан) жалб этилган қарз маблағлари нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига доир маблағларнинг манбаларидир.

Микромолия ташкилотлари ушбу Қонуннинг 26-моддасида белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилган тақдирда, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари фаолиятини ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган маблағлардан ташқари қуйидаги маблағлар ҳисобидан амалга ошириши ҳақли:

корпоратив облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ҳамда давлат жамғармаларининг маблағлари;

халқаро молия институтларининг, чет эл ҳукумат молия ташкилотларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, шу жумладан чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг қарз маблағлари;

юридик шахслардан, шу жумладан чет эл юридик шахсларидан олинган қарз маблағлари;

исломий молиялаштиришга мувофиқ бўлган қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган маблағлар – микромолия ташкилотлари учун;

ипотека қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган маблағлар – ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун.

**9-модда. Нобанк кредит ташкилотларининг мустақиллиги**

Нобанк кредит ташкилотлари ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақилдир.

Давлат органларига ва уларнинг мансабдор шахсларига нобанк кредит ташкилотлари фаолиятига аралашиш ҳамда улардан турли хил тўловлар ва бадаллар талаб қилиш тақиқланади, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

**10-модда. Нобанк кредит ташкилотларининг уюшмалари ва бошқа бирлашмалари**

Нобанк кредит ташкилотлари, агар уларни ташкил этиш қонунчилик талабларига зид бўлмаса, ўз умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар ва бошқа бирлашмалар ташкил этиши мумкин.

Нобанк кредит ташкилотлари уюшмалари ва бошқа бирлашмалари ваколатли давлат органи томонидан улар рўйхатга олинганидан ёки тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин Марказий банкни бу ҳақда ўн кунлик муддатда хабардор қилади.

**11-модда. Микромолия ташкилотининг фаолиятини тўлов ташкилотлари томонидан амалга ошириш**

Микромолия ташкилоти фаолиятини тўлов ташкилотлари ҳам тўлов ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш воситасида Марказий банкда ҳисоб рўйхатидан (бундан буён матнда ҳисоб рўйхати деб юритилади) ўтганидан кейин амалга оширишга ҳақли.

Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига ушбу Қонунда микромолия ташкилотлари учун қуйидагиларга нисбатан назарда тутилган талаблар қўлланилади:

уларни ташкил этишга, шунингдек филиалларини очишга;

иштирокчилар (акциядорлар) таркибини ўзгартиришга;

ҳисоб рўйхатидан ўтиш тартиб-таомилларига;

фаолиятни амалга оширишга;

нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширишга, шу жумладан пруденциал нормативларга риоя этишга;

микромолия ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга.

Ушбу Қонунда нобанк кредит ташкилотларининг фирма номига нисбатан белгиланган талаблар, нобанк кредит ташкилотларининг раҳбар ходимларига қўйиладиган малака талаблари, шунингдек ушбу Қонун 20-моддасининг биринчи қисмида ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этишга доир талаблар микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилоти ижро этувчи органининг аъзоларидан бири ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган, микромолия ташкилотининг ижро этувчи органи раҳбарига нисбатан қўйиладиган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари ўзида мавжуд бўлган кредит ахборотини кредит бюроларига ва Кредит ахборотининг давлат реестрига кредит ахбороти алмашинуви тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ тақдим этиши шарт.

Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотидан тўлов ташкилотининг фаолиятни амалга ошириш учун лицензияси чақириб олинганлиги унинг микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан чиқарилиши учун асос бўлади, бундан унинг микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ҳоллари мустасно. Тўлов ташкилотининг юқори бошқарув органи томонидан микромолия ташкилоти сифатида фаолиятни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур ташкилот:

лицензия чақириб олинган кундан эътиборан ўн кун ичида бу ҳақда Марказий банкни хабардор қилиши;

микромолия ташкилоти сифатида қайта рўйхатдан ўтиши ва Марказий банкка бу ҳақда лицензия чақириб олинган кундан эътиборан қирқ беш кун ичида маълумотлар тақдим этиши шарт. Ушбу маълумотлар тақдим этилгунига қадар ушбу Қонун 4-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш тақиқланади.

**2-боб. Нобанк кредит ташкилотларини ва уларнинг филиалларини ташкил этиш**

**12-модда. Нобанк кредит ташкилотларини ташкил этиш**

Нобанк кредит ташкилотлари қонунчиликда назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳол мустасно.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилади.

Нобанк кредит ташкилотлари қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

**13-модда. Нобанк кредит ташкилотининг фирма номи**

Нобанк кредит ташкилотининг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўрсатма, шунингдек ташкилотнинг турига қараб «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш» ёки «ломбард» деган сўз ёки сўз бирикмаси, микромолия ташкилотининг қисқартирилган номида эса (мавжуд бўлганда) «ММТ» деган қисқартма сўз бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илгари ташкил этилган ёки ташкил этилаётган банкларнинг ёхуд нобанк кредит ташкилотларининг фирма номлари билан чалкаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган фирма номларидан фойдаланиш тақиқланади, бундан нобанк кредит ташкилотларининг уларни ташкил этган банкларнинг фирма номларидан фойдаланиши мустасно.

Нобанк кредит ташкилоти расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва ўз фаолияти билан боғлиқ бошқа ҳужжатларда, шунингдек рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда ва босма нашрларда ўз уставида белгиланганидан фарқ қиладиган фирма номидан фойдаланишга ҳақли эмас.

Нобанк кредит ташкилотининг турларидан бири сифатида давлат рўйхатидан ўтган, бироқ давлат рўйхатидан ўтганидан кейин уч ой давомида ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатларни тақдим этмаган юридик шахслар ўз фирма номида «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш» сўз бирикмасидан ёки «ММТ» деган қисқартма сўздан, шунингдек фаолиятни бошлаганлик ҳақида Марказий банкка хабарнома юбормаган юридик шахслар – «ломбард» деган сўздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

Нобанк кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахслар ўз фирма номида микромолия ташкилотининг, ломбарднинг фаолиятини, ипотека кредитларини қайта молиялаштириш ёки жисмоний шахсларга кредит бериш фаолиятини амалга оширишини англатувчи сўздан, сўз бирикмасидан ва (ёки) қисқартирма сўздан фойдаланишга ҳақли эмас, бундан ушбу фаолиятни қонунчиликка мувофиқ амалга оширувчи юридик шахслар мустасно.

**14-модда. Нобанк кредит ташкилотининг муассислари ва иштирокчилари (акциядорлари)**

Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахслар нобанк кредит ташкилотининг муассислари ва иштирокчилари (акциядорлари) бўлиши мумкин.

Қуйидаги шахслар нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларга бевосита ёки билвосита эгалик қилиши мумкин эмас:

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган ва (ёки) ушбу давлатда ёки ҳудудда яшайдиган жисмоний шахслар;

имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) бенефициар мулкдорнинг шахсини ошкор этишни ҳамда молиявий операциялар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган юридик шахслар ёки ушбу давлат ёки ҳудуд резиденти бўлган, унда яшайдиган ёки рўйхатдан ўтган бошқарув органи аъзоси мавжуд бўлган юридик шахслар;

ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган жисмоний шахслар;

бошқарув органи аъзоси ушбу Қонун 16-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган ишчанлик обрўсига доир талабларга жавоб бермайдиган юридик шахслар;

банкрот деб эътироф этилган шахслар;

сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар;

давлат органлари, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолиятни амалга оширувчи бошқа нобанк кредит ташкилотлари.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига ўзи назорат қиладиган бошқа шахс орқали эгалик қилувчи шахс нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушига билвосита эгалик қилувчи шахсдир.

Назорат деганда шахслар ўртасидаги қуйидаги мезонлардан бирига мос келувчи ўзаро алоқа тушунилади:

шахс томонидан юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) устунлик қиладиган улушга эгалик қилиш;

иштирокчи (акциядор) бўлган шахснинг шу юридик шахс бошқарув органларининг кўпчилик аъзоларини тайинлаш ёки алмаштириш ҳуқуқи;

шахснинг юридик шахс фаолиятига у билан тузилган шартномага ва (ёки) унинг устави қоидаларига мувофиқ таъсир кўрсатиш имконияти.

Юридик шахсга бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи ёки уни назорат қилувчи жисмоний шахс юридик шахснинг бенефициар мулкдоридир.

**15-модда. Нобанк кредит ташкилоти иштирокчилари (акциядорлари) таркибининг ўзгариши**

Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда уларга алоқадор шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари (бундан буён матнда норезидентлар деб юритилади) бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоизни ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олгунига қадар Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасини олиши шарт.

Дастлабки рухсатномани олиш учун нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олишни ният қилган шахс Марказий банкнинг электрон платформаси (бундан буён матнда электрон платформа деб юритилади) орқали Марказий банкка қуйидагиларни илова қилган ҳолда ариза тақдим этади:

1) нобанк кредит ташкилотининг иштирокчилари (акциядорлари) таркибига янги иштирокчи (акциядор) кирган тақдирда:

а) нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни олиш учун йўналтириладиган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни;

б) нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олишни ният қилган шахснинг ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотларни;

в) ушбу Қонун 20-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли ҳужжатларни, агар нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олишни ният қилган шахс норезидент бўлса;

2) иштирокчига (акциядорга) тегишли ҳиссанинг миқдори (акциялар сони) кўпайтирилган тақдирда – нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини кўпайтириш учун йўналтириладиган маблағларнинг манбалари тўғрисидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни.

Марказий банкнинг дастлабки рухсатномасисиз нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини олиш бўйича тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Марказий банкнинг кейинги рухсатномасини олиш шахс нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ушбу модда биринчи қисмида кўрсатилган ҳажмдаги улушини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда (ҳуқуқий ворислик, мерос, ҳадя ёки суднинг қарорига асосан мулк ҳуқуқини олиш) олган тақдирда талаб этилади. Шахс нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олган кундан эътиборан Марказий банк томонидан тегишли қарор қабул қилинган кунга қадар, Марказий банк томонидан кейинги рухсатномани беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда эса, бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан ва мазкур улуш бошқа шахсга ўтказилгунга қадар ушбу шахснинг иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш, кун тартибига масалалар киритиш, шунингдек кузатув кенгаши (мавжуд бўлганда) ва ижро этувчи органлари аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи тўхтатиб турилади.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олган шахс уни олган кундан эътиборан олтмиш кун ичида Марказий банкка электрон платформа орқали кейинги рухсатномасини олиш учун аризани ва мазкур шахснинг ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи маълумотларни тақдим этиши керак.

Марказий банк дастлабки ёки кейинги рухсатномани бериш ёхуд дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарорни ушбу модданинг иккинчи ёки бешинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида қабул қилади.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олиш учун берилган дастлабки рухсатнома у олинган кундан эътиборан олти ой давомида юридик кучини сақлаб туради.

Дастлабки ёки кейинги рухсатномани беришни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги ва (ёки) уларда нотўғри ва (ёки) бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги;

нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олаётган ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олган шахснинг ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;

кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган маблағлардан нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини олиш учун фойдаланилганлиги.

Иштирокчи (акциядор) томонидан ариза берилмаган ёки кейинги рухсатномани бериш рад этилган тақдирда унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинган нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улуши:

кейинги рухсатномани олиш учун ариза берилмаган тақдирда, улуш олинган кундан эътиборан;

кейинги рухсатномани бериш рад этилган кундан эътиборан уч ой ичида бошқа шахсга ўтказилиши лозим.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи шахслар таркибида ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахснинг мавжудлиги факти аниқланган тақдирда, Марказий банк нобанк кредит ташкилотига ва унинг юқори бошқарув органига уни алмаштириш талаби билан кўрсатма юборади. Мазкур кўрсатма олинган кундан эътиборан кўрсатмада қайд этилган шахснинг иштирокчиларнинг (акциядорларнинг) навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш, кун тартибига масалалар киритиш, шунингдек кузатув кенгаши (мавжуд бўлганда) ва ижро этувчи органлари аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи тўхтатиб турилади.

Нобанк кредит ташкилоти ёки Марказий банкнинг кўрсатмасида қайд этилган шахс кўрсатма устидан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий судга шикоят қилишга ҳақли. Кўрсатма устидан шикоят берилиши Марказий банкнинг қарорини ижро этишдан озод қилмайди.

Нобанк кредит ташкилоти иштирокчилар таркиби ўзгарганидан кейин уставга киритилган ўзгартиш ва (ёки) қўшимчаларни улар қонунчиликка мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан беш иш куни ичида Марказий банкка тақдим этиши шарт.

**16-модда. Нобанк кредит ташкилотларининг раҳбар ходимларига доир талаблар**

Нобанк кредит ташкилотининг кузатув кенгаши (мавжуд бўлганда) ва ижро этувчи органи аъзолари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифасини амалга оширувчи шахси, бош бухгалтери ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахси, филиалларнинг раҳбарлари, шунингдек Марказий банк томонидан белгиланган бошқа шахслар (бундан буён матнда раҳбар ходим деб юритилади) ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ ишчанлик обрўсига доир талабларга, шунингдек ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган раҳбар ходимлар малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Ишчанлик обрўсига доир талаблар қуйидагиларни ўз ичига олади:

иқтисодий соҳадаги жиноятлар, бошқарув тартибига қарши жиноятлар ҳамда терроризмни молиялаштириш ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноятлар учун тугалланмаган ёки олиб ташланмаган судланганлик ҳолатларининг мавжуд эмаслиги;

молия (кредит) ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашишига ёки унинг банкрот бўлишига, лицензияси чақириб олинишига ёки микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқарилишига олиб келган ҳаракатлар содир этишга ва (ёки) ҳаракатсизликка раҳбар ходимнинг алоқадорлиги тўғрисидаги далилларнинг мавжуд эмаслиги.

Малака талаблари:

1) қуйидагиларда ижро этувчи орган раҳбари ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган вазифаларини амалга оширувчи шахс:

а) микромолия ташкилоти ёки ломбардда – олий иқтисодий маълумотга ёки банк-молия соҳасида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишини;

б) ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида – олий иқтисодий маълумотга ва банк-молия соҳасида беш йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига, шундан ушбу соҳаларда раҳбарлик лавозимларида камида уч йил иш тажрибасига эга бўлишини;

2) қуйидагиларда бош бухгалтер ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс:

а) микромолия ташкилоти ёки ломбардда – олий маълумотга ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишини;

б) ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотида – олий иқтисодий маълумотга ёки бухгалтерия ҳисобини юритиш ёки молиявий ҳисоботни тузиш ёхуд аудиторлик фаолияти билан боғлиқ уч йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга бўлишини ўз ичига олади.

Нобанк кредит ташкилоти Марказий банкка қуйидагилар тўғрисида ёзма хабарнома тақдим этиши шарт:

нобанк кредит ташкилотининг раҳбар ходими лавозимга тайинланганлиги (сайланганлиги) ҳақида у тайинланган (сайланган) кундан эътиборан беш иш куни ичида раҳбар ходимнинг ушбу моддада белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ва илгари ушбу лавозимни эгаллаган шахснинг озод этилиши сабабларини кўрсатган ҳолда;

нобанк кредит ташкилоти раҳбар ходимининг ушбу моддада белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги факти аниқланганлиги ва ушбу факт аниқланган кундан эътиборан ўн иш куни ичида унга нисбатан кўрилган чоралар ҳақида.

Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилоти раҳбар ходимининг ушбу моддада кўрсатилган талабларга мувофиқ эмаслиги факти аниқланган тақдирда, нобанк кредит ташкилотига уни алмаштириш тўғрисида кўрсатма юборилади.

**17-модда. Нобанк кредит ташкилотининг устав фонди (устав капитали)**

Нобанк кредит ташкилотининг устав фонди (устав капитали) Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида шакллантирилади ва фақат нобанк кредит ташкилотининг муассислари (иштирокчилари, акциядорлари) томонидан киритилган пул маблағларидан ташкил топади.

Нобанк кредит ташкилотининг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва мажбуриятлар юклатилган бошқа маблағлардан, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган маблағлардан фойдаланиш тақиқланади.

Устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори:

ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти учун – йигирма беш миллиард сўмни;

микромолия ташкилоти учун – икки миллиард сўмни;

ломбард учун – беш юз миллион сўмни ташкил этиши керак.

Нобанк кредит ташкилоти устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик ҳақида хабарнома юборилган кунга қадар шакллантирилган бўлиши ва ҳисоб рўйхатидан ўтказилгунига қадар ёки ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома юборилгунига қадар банк ҳисобварағида сақланиши керак.

**18-модда. Нобанк кредит ташкилотининг филиаллари**

Нобанк кредит ташкилотининг юридик шахс бўлмаган, ўз фаолиятини нобанк кредит ташкилоти номидан унинг ваколатли бошқарув органи томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширадиган алоҳида бўлинмаси нобанк кредит ташкилотининг филиалидир.

Нобанк кредит ташкилотининг филиали нобанк кредит ташкилоти билан ягона устав фондига (устав капиталига) ва балансга эга бўлади, шунингдек унинг мол-мулки билан таъминланади.

Нобанк кредит ташкилоти филиалининг номи уни ташкил этган нобанк кредит ташкилотининг фирма номини ўз ичига олиши шарт.

Агар микромолия ташкилоти фаолиятини ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан амалга оширса, микромолия ташкилоти филиални очиш чоғида пруденциал нормативларга риоя этиши шарт.

Нобанк кредит ташкилоти филиални очган кундан эътиборан ўн иш куни ичида Марказий банкка ваколатли бошқарув органининг филиални ташкил этиш тўғрисидаги қарорини, филиал ҳақидаги низомни ва филиалнинг раҳбари тўғрисидаги маълумотларни илова қилган ҳолда бу ҳақда электрон платформа орқали хабарнома юбориши шарт.

Ломбард филиал очилгунига қадар филиал касса хоналарининг Марказий банк талабларига мувофиқлигини таъминлаши шарт.

Филиалнинг фаолияти натижасида нобанк кредит ташкилотининг молиявий аҳволи ёмонлашганда Марказий банк ушбу филиалнинг ёпилишини талаб қилишга ҳақли.

Филиалнинг номи ёки жойлашган ери ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарнома бундай ўзгариш юзага келган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида электрон платформа орқали Марказий банкка юборилиши керак.

Нобанк кредит ташкилоти Марказий банкни филиалнинг ёпилиши тўғрисида уни ёпиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан беш кун ичида электрон платформа орқали хабардор қилади.

Ўзбекистон Республикасида нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини амалга оширувчи чет эл юридик шахсларининг филиалларини ташкил этишга йўл қўйилмайди.

**3-боб. Нобанк кредит ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш, ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарномани юбориш ва нобанк кредит ташкилоти ҳақидаги маълумотларни реестрдан чиқариш**

**19-модда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини амалга ошириш шартлари**

Микромолия ташкилотининг ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг фаолияти у ҳақидаги маълумотларни тегишинча микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрига киритиш воситасида ҳисоб рўйхатидан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Ломбард фаолияти ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги Марказий банк томонидан тасдиқланганидан кейин амалга оширилади. Хабарнома қабул қилинганлигини тасдиқлаш ломбардни ломбардлар реестрига киритиш воситасида амалга оширилади.

Ломбард ўз фаолиятини бошлаганлик ҳақидаги хабарномани юборгунига қадар касса хоналарининг Марказий банк талабларига мувофиқлигини таъминлаши шарт. Мазкур талабни бажариш ўрнига ломбард ўз фаолиятини комплекс суғурталаш полисини тақдим этишга ҳақли.

Микромолия ташкилоти нақд пуллар ва қимматликлар билан фаолиятни амалга ошириш чоғида уларнинг бутлигини, дахлсизлигини ва хавфсизлигини таъминлаши шарт.

Микромолия ташкилотининг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотининг улар ҳисоб рўйхатидан ўтгунига қадар амалга ошириладиган фаолияти, шунингдек ломбард фаолиятини бошлаганлик тўғрисидаги хабарнома қабул қилинганлиги Марказий банк томонидан тасдиқлангунига қадар ломбарднинг амалга ошириладиган фаолияти ғайриқонуний деб ҳисобланади. Бундай фаолият натижасида олинган даромад Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига олиб қўйилади.

**20-модда. Ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти (бундан буён матнда ариза берувчи деб юритилади) ҳисоб рўйхатидан ўтиш учун у давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка электрон платформа орқали қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

ариза берувчининг фирма номи ва жойлашган ери (почта манзили), шунингдек унинг банк ҳисобварағи реквизитлари кўрсатилган аризани;

ариза берувчининг иштирокчилари (акциядорлари) ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар эмаслигини тасдиқловчи маълумотларни;

унинг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун киритилган маблағларнинг манбалари тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборотни;

ариза берувчининг раҳбар ходимлари ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларни.

Ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлардан ташқари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

кредит ва инвестиция сиёсатини, таваккалчиликларни, активлар ва пассивларни бошқариш сиёсатини белгиловчи ҳужжатларни;

намунавий бош кредит шартномасининг (қайта молиялаштириш шартномасининг) лойиҳасини;

кейинги уч йилга мўлжалланган бизнес-режани.

Норезидентлар томонидан микромолия ташкилотини ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотини ташкил этиш чоғида ёхуд уларнинг устав фондида (устав капиталида) норезидентлар иштирок этганда, ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

юридик шахсни назорат қилиш органининг микромолия ташкилотини ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотини ташкил этиш учун ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш учун рухсатнома берилганлиги тўғрисидаги ёзма тасдиғи ёхуд шундай рухсатнома талаб этилмаслиги ҳақидаги тасдиқнома ёки унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи орган мавжуд эмаслиги тўғрисида юридик шахснинг тасдиқномаси;

аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган охирги ҳисобот йили учун молиявий ҳисоботлар – юридик шахслар иштирок этган тақдирда;

охирги икки йил учун даромадлар ҳақидаги декларация – жисмоний шахслар иштирок этган тақдирда.

(Давоми 3, 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Норезидентлар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар норезидент бўлган юридик шахс рўйхатдан ўтган ёки норезидент бўлган жисмоний шахс яшаётган мамлакатдаги Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаси, норезидент бўлган юридик шахс рўйхатдан ўтган ёки норезидент бўлган жисмоний шахс яшаётган мамлакатнинг Ташқи ишлар вазирлиги ёки мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консуллик муассасаси ёхуд дипломатик ваколатхонаси томонидан тасдиқланади, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик-ҳуқуқий департаментида тасдиқланади.

Марказий банк ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатларнинг шакли ва мазмунига талаблар белгилашга, шунингдек тегишли ваколатли органлардан ариза берувчини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни сўраб олишга ҳақли.

### 21-модда. Ҳужжатларни кўриб чиқиш ва ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш тартиби

Ариза берувчи томонидан ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ тақдим этилган тақдирда Марказий банк томонидан кўриб чиқилади. Бошқа ҳолларда Марказий банк улар олинган кундан эътиборан беш кун ичида ариза берувчига ҳужжатлар кўриб чиқилмаслиги ҳақида хабарнома юборади. Мазкур хабарномада ушбу Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳам кўрсатилади.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиққанлик учун йиғим ундирилмайди.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисоб рўйхатидан ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида Марказий банк томонидан қабул қилинади. Микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти норезидентлар томонидан ташкил этилган ҳолларда ушбу муддат ўн иш кунига узайтирилиши мумкин.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш даврида уларда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда, ариза берувчи бу ҳақда зудлик билан Марказий банкни хабардор қилиши ва янгиланган ҳужжатларни ўзгартишлар юзага келган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида тақдим этиши керак. Бунда ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш муддати ўн иш кунига узайтирилади.

Ариза берувчига ҳисоб рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги хабарнома ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги ахборот ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан бир иш куни ичида Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши лозим.

### 22-модда. Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш

Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги ва (ёки) уларда нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ариза берувчининг иштирокчилари (акциядорлари) таркибида ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг мавжудлиги;

раҳбар ходимларнинг ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ эмаслиги;

ариза берувчининг устав фонди (устав капитали) ушбу Қонуннинг 17-моддаси талабларига мувофиқ эмаслиги;

норезидент бўлган юридик шахс назорат қилиш органининг ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги тавсияси мавжудлиги;

ариза берувчининг ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни ушбу Қонунда белгиланган муддатларда тақдим этмаганлиги.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш ҳақидаги хабарнома (бундан буён матнда рад этиш тўғрисидаги хабарнома деб юритилади) ариза берувчига рад этиш асослари кўрсатилган ҳолда, ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай юборилади.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ушбу модда биринчи қисмининг иккинчи – олтинчи хатбошиларида кўрсатилган асосларга кўра рад этилган тақдирда, рад этиш ҳақидаги хабарномада ариза берувчи рад этиш асосларини бартараф этиб, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат ҳам кўрсатилиши керак. Мазкур муддат рад этиш асосларини бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга мутаносиб бўлиши, бироқ ўн иш кунидан кам бўлмаслиги керак.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш ҳужжатлар олинган кундан эътиборан ўн кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш чоғида рад этиш тўғрисидаги хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича ҳисоб рўйхатидан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар рад этиш асослари бартараф этилмасдан такроран тақдим этилган тақдирда, Марказий банк ушбу ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан беш иш куни ичида улар кўриб чиқилмаслиги тўғрисида ариза берувчини хабардор қилади.

Қуйидаги ҳоллардан бири юзага келган кундан эътиборан ўттиз кун ичида микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти ўз фирма номидан «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш» деган сўз бирикмаларини, шунингдек «ММТ» деган қисқартирма сўзни (мавжуд бўлганда) чиқариб ташлаши ёки фаолиятни тугатиш ҳақида ёхуд қайта ташкил этиш натижасида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт:

ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар рад этиш асослари бартараф этилмасдан тақдим этилганлиги муносабати билан улар такроран кўриб чиқилмаслиги ҳақида Марказий банкнинг хабарномасини олганда;

ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар такроран кўриб чиқиш учун рад этиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган муддатда тақдим этилмаганда;

ҳисоб рўйхатидан ўтказиш ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи хатбошисида кўрсатилган асос бўйича рад этилганда.

### 23-модда. Ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисида хабардор қилиш тартиби

Ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарнома ломбард давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин уч ойдан кечиктирмай Марказий банкка қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда, электрон платформа орқали юборилиши керак:

ломбарднинг иштирокчилари (акциядорлари) ушбу Қонун 14-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган шахслар эмаслигини тасдиқловчи маълумотлар;

ломбарднинг устав фондини (устав капиталини) шакллантириш учун унинг иштирокчилари (акциядорлари) томонидан киритилган маблағларнинг манбалари ҳақидаги ҳужжатлар билан тасдиқланган ахборот;

ломбарднинг раҳбар ходимлари ушбу Қонуннинг 16-моддасида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар.

Ломбард норезидентлар томонидан ташкил этилганда ёки унинг устав фондида (устав капиталида) норезидентлар иштирок этганда, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда ушбу Қонун 20-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган тегишли ҳужжатлар мазкур модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартибда тақдим этилади.

Ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарнома ломбард номидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Ломбард Марказий банкка фаолиятни бошлаганлик ҳақидаги хабарномани юборганда қонунчилик ҳужжатларида ўз фаолиятини амалга ошириш бўйича белгиланган талабларга ва шартларга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисида хабарнома юборганлик учун йиғим ундирилмайди.

### 24-модда. Нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни реестрдан чиқариш

Нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисидаги қарор Марказий банк томонидан қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

нобанк кредит ташкилоти томонидан ушбу Қонунда тақиқланган ва (ёки) назарда тутилмаган фаолият амалга оширилганда;

микромолия ташкилоти ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, шунингдек Марказий банк ломбарднинг фаолияти тугатилганлиги ҳақида хабарнома олганда;

Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрига нобанк кредит ташкилотининг фаолияти тугатилганлиги ҳақида ёзув киритилганда;

нобанк кредит ташкилоти тўловга қобилиятсиз бўлиб қолганда (кредиторларнинг талабларини уларни бажариш муддатлари бошланган кундан эътиборан уч ой ичида қаноатлантиришга қодир эмаслиги ва (ёки) мажбуриятларнинг активлардан ошиб кетганлиги);

Марказий банкнинг назоратга доир вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилинганда;

айрим операцияларни амалга ошириш бўйича чекловларнинг амал қилиш даврида нобанк кредит ташкилоти томонидан ушбу операциялар амалга оширилганда;

ариза берувчи ҳисоб рўйхатидан ўтказиш учун ёки ломбарднинг фаолияти бошланганлиги тўғрисидаги хабарномада сохта ҳужжатлардан фойдаланганда – суд қарорига асосан.

Марказий банк қуйидаги ҳолларда нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

ушбу Қонуннинг 7-моддасида белгиланган талаблар бажарилмаганда;

ушбу Қонуннинг 4-моддасида назарда тутилган фаолият кетма-кет олти ойдан ортиқ вақт давомида амалга оширилмаганда;

ломбард фаолиятини амалга ошириши учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида ёлғон ёки ишончсиз ахборот берилганда.

Марказий банк нобанк кредит ташкилоти ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилган кундан эътиборан бир иш куни ичида бу ҳақда нобанк кредит ташкилотини хабардор қилади ва қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборотни Марказий банкнинг расмий веб-сайтида эълон қилади.

Нобанк кредит ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банкнинг хабарномасини олган санадан эътиборан янги хизматлар кўрсатишга ҳақли эмас.

Нобанк кредит ташкилоти ўзи ҳақидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш тўғрисида Марказий банк томонидан қарор қабул қилинганидан кейин ўттиз кун ичида ўз фирма номидан «микромолия ташкилоти», «ипотекани қайта молиялаштириш», «ломбард» деган сўзни ёки сўз бирикмаларини, шунингдек «ММТ» деган қисқартирма сўзни (мавжуд бўлганда) чиқариб ташлаши ёхуд фаолиятни тугатиш ёки қайта ташкил этиш натижасида тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

## 4-боб. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

### 25-модда. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш юзасидан Марказий банкнинг ваколатлари

Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш Марказий банк томонидан амалга оширилади.

Марказий банк нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш мақсадида қуйидагиларни белгилайди:

рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомилларидан ўтиш тартибини;

нобанк кредит ташкилотларининг ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизлигини таъминлашга доир минимал талабларни;

ломбардларнинг касса хоналарига доир талабларни;

нобанк кредит ташкилотлари томонидан янги молиявий операцияларни, технологияларни ва хизматларни назорат қилинадиган чекланган муҳитда (қамров ҳудуди, синов даври, хизматлар ҳамда операциялар сони ва (ёки) ҳажми, истеъмолчилар сони ва бошқалар) синовдан ўтказиш бўйича махсус ҳуқуқий режимни («тартибга солиш қумдони»);

микромолия ташкилотлари томонидан тўлов агенти (субагенти) ёки банклар, суғурта ва бошқа молия ташкилотлари агенти вазифаларини амалга ошириш тартибини;

микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш тартибини;

микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг активлари сифатини таснифлаш ва баҳолашга, уларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларни шакллантиришга доир талабларни;

микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириши чоғида ушбу ташкилотлар фаолиятига доир минимал талабларни;

махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашишга доир ички назорат қоидаларини.

Марказий банк нобанк кредит ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида қуйидагиларни белгилайди:

нобанк кредит ташкилотлари томонидан фаолиятни ва молиявий операцияларни амалга ошириш, бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини, ҳисоботларнинг шакли, тузилиши ва мазмунини, молиявий ҳамда назоратга доир ҳисоботларни тузиш услубиятини, даврийлигини ва тақдим этиш муддатларини, таваккалчиликларни баҳолаш ҳамда уларнинг фаолиятини назорат қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиш муддатларини;

микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун пруденциал нормативларни ҳисоблаб чиқариш тартибини ҳамда ушбу нормативларнинг йўл қўйиладиган қийматларини.

Марказий банк нобанк кредит ташкилотлари фаолияти устидан назоратни амалга ошириш мақсадида:

нобанк кредит ташкилотларидан, уларга алоқадор бўлган шахслардан, шунингдек нобанк кредит ташкилотларининг уюшмаларидан (иттифоқларидан) ҳисоботларни ва ҳужжатларни сўраб олишга ҳамда текширишга, олинган ахборотни тушунтириб беришни талаб қилишга;

нобанк кредит ташкилотларини инспекциядан (текширувдан) ўтказишга;

микромолия ташкилотлари томонидан бериладиган истеъмол кредитлари ва микроқарзлар, шунингдек ломбардлар томонидан бериладиган микроқарзлар бўйича фоиз ставкаларининг ва тўловларнинг энг юқори қийматларини белгилашга;

микромолия ташкилотларининг ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг ички аудитига доир талабларни белгилашга ҳақли.

Марказий банк микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрини, шунингдек ломбардлар реестрини юритади.

### 26-модда. Пруденциал нормативларга риоя этиш

Ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширувчи микромолия ташкилотлари, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари пруденциал нормативларга риоя этиши шарт.

Пруденциал нормативлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

капиталнинг етарлилик коэффициентларини;

ликвидлилик коэффициентларини;

бир қарз олувчига ёки ўзаро алоқадор қарз олувчилар гуруҳига доир таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорини;

юридик шахсларнинг устав фондига (устав капиталига) ва (ёки) қарз қимматли қоғозларига инвестицияларнинг энг кўп миқдорини.

Ломбардларнинг, шунингдек фаолиятни ўз маблағлари, банкларнинг кредитлари ва ўз иштирокчиларидан (акциядорларидан) жалб этилган қарз маблағлари ҳисобидан амалга оширувчи микромолия ташкилотларининг пруденциал талабларга риоя этиши талаб этилмайди.

### 27-модда. Микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахсларга хизматлар кўрсатиш

Ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширувчи микромолия ташкилотларининг ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган, ўзларига алоқадор бўлган шахсларга ёки бундай шахслар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга хизматлар кўрсатиши бундай хизматлар ушбу ташкилотларга алоқадор бўлмаган шахслар учун назарда тутилган шартларга қараганда анча қулай шартлар асосида кўрсатиладиган ҳолларда тақиқланади.

Микромолия ташкилотига алоқадор бўлган шахслар қуйидагилардан иборат:

унинг раҳбар ходимлари;

микромолия ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) йигирма фоиз ва ундан ортиқ улушларига бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи шахслар;

унинг устидан назоратни амалга ошираётган ёки унинг назорати остидаги ёхуд у билан биргаликда учинчи шахс назорати остида бўлган шахслар;

ушбу қисмнинг иккинчи – тўртинчи хатбошиларида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг яқин қариндошлари (қариндош ёки қайин-бўйинчилик муносабатидаги шахслар, яъни ота-она, туғишган ва ўгай ака-укалар ҳамда опа-сингиллар, эр-хотин, фарзандлар, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболар, бувилар, невaралар, эр-хотиннинг ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ҳамда опа-сингиллари);

юридик шахслар устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоиз ва ундан ортиқ улушларга эгалик қилувчи шахслар микромолия ташкилоти устидан назоратни амалга ошираётган бўлса, мазкур юридик шахслар.

Анча қулай шартларни тақдим этиш деганда қуйидагилар тушунилади:

микромолия ташкилотининг ўзига алоқадор бўлган шахсга ёки шундай шахснинг манфаатларини кўзлаб ўзининг табиати, мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари ва таваккалчилигига кўра бошқа шахсларга кўрсатмайдиган хизматларини кўрсатиши;

хизмат кўрсатиш учун бошқа шахслардан талаб қилинадиганидан пастроқ тарзда ҳақ олиш ёки таъминотни бошқа шахслардан талаб қилинадиган қийматдан юқорироқ қиймат бўйича қабул қилиш.

Микромолия ташкилоти ўзига алоқадор бўлган шахсларга ушбу модданинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, кузатув кенгашининг (мавжуд бўлганда) ёки юқори бошқарув органининг қарорига кўра хизматлар кўрсатиши мумкин.

Агар шахс микромолия ташкилоти билан хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномани имзолаганидан кейин унга алоқадор шахсга айланса, микромолия ташкилотининг кузатув кенгаши (мавжуд бўлганда) ёки юқори бошқарув органи мазкур шахс унга алоқадор шахсга айланган кундан эътиборан ўттиз кун ичида ушбу шартномани маъқуллаши ёки уни бекор қилиш тўғрисида фармойиш бериши керак.

Кузатув кенгашининг (мавжуд бўлганда) ёки юқори бошқарув органининг аъзоси микромолия ташкилоти билан ўзи ўртасида ёки ўзига алоқадор шахс ўртасида тузилган ёки тузиладиган хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома масаласи бўйича йиғилишда ҳозир бўлмаслиги, қабул қилинадиган қарорга таъсир кўрсатишга уринмаслиги керак.

Микромолия ташкилоти ўзига алоқадор бўлган шахсларга хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномаларнинг алоҳида реестрини юритиши ва реестрни Марказий банкка унинг талабига биноан тақдим этиши шарт.

### 28-модда. Нобанк кредит ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган чоралар ва санкциялар

Марказий банк нобанк кредит ташкилотларига нисбатан:

нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларини, шу жумладан белгиланган пруденциал нормативларни ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик;

улар хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини бузганлик;

фаолиятни хабардор қилиш тартибида амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида Марказий банкка ёлғон ёки нотўғри ахборот берганлик учун чоралар ва санкциялар қўллашга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган қоидабузарликлар аниқланганда Марказий банк қуйидаги чоралар ва санкцияларни қўллашга ҳақли:

нобанк кредит ташкилотларига уларнинг фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида, шу жумладан нобанк кредит ташкилотлари хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари бузилишига олиб келувчи сабабларни бартараф этиш ҳақида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юбориш;

айрим операцияларни ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклаш;

нобанк кредит ташкилотининг ўз капиталининг беш фоизигача миқдорда жарима ундириш;

нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариш;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Чоралар ва санкцияларни қўллашда Марказий банк қуйидагиларни ҳисобга олади:

таваккалчилик даражасини, қоидабузарликлар хусусиятини, миқёсини ва уларнинг оқибатларини;

қоидабузарликларнинг тизимлилиги ва давомийлигини;

йўл қўйилган қоидабузарликларнинг нобанк кредит ташкилотининг молиявий ҳолатига таъсирини;

қўлланиладиган чоралар ва (ёки) санкциялар натижасида вазиятни ўзгартириш имкониятини;

аниқланган қоидабузарликларнинг ва (ёки) таваккалчиликларнинг юзага келишига олиб келган сабабларни;

илгари қўлланилган чоралар ва санкцияларнинг самарадорлигини (натижадорлигини).

## 5-боб. Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботлар, ички аудит ва аудиторлик текшируви

### 29-модда. Нобанк кредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар

Нобанк кредит ташкилотлари:

қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ҳисобини ташкил этиши ва юритиши;

молиявий ва назоратга доир ҳисоботларни ўз вақтида Марказий банк томонидан белгиланган шаклларда ва тартибда тақдим этиши шарт. Нобанк кредит ташкилоти тақдим этиладиган ҳисоботларнинг яхлитлиги ҳамда ишончлилиги учун жавобгар бўлади.

### 30-модда. Ички аудит хизмати

Активларининг баланс қиймати ўн миллиард сўмдан ортиқ бўлган микромолия ташкилотлари, активларининг баланс қиймати беш миллиард сўмдан ортиқ бўлган ломбардлар, шунингдек ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари ички аудит хизматини ташкил этиши шарт.

Нобанк кредит ташкилотининг ички аудит хизмати нобанк кредит ташкилотининг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати нобанк кредит ташкилотининг ижро этувчи органи ёки яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи вазифаларини амалга оширувчи шахси, шунингдек филиаллари томонидан қонунчиликка, таъсис ҳужжатларига ҳамда бошқа ҳужжатларга, молия-хўжалик операцияларини амалга оширишга доир белгиланган қоидалар ва тартиб-таомилларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида маълумотлар тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, шунингдек активлар бут сақланишини текшириш ҳамда мониторинг қилиш орқали ушбу орган ёки шахс, шунингдек филиаллар ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

### 31-модда. Нобанк кредит ташкилотларида аудиторлик текшируви

Нобанк кредит ташкилотларининг йиллик молиявий ҳисоботи аудитдан ўтказилиши шарт. Нобанк кредит ташкилотларида аудиторлик текшируви Марказий банкнинг талабига кўра уларнинг фаолияти бўйича умумий ҳолда ҳам, улар фаолиятининг алоҳида йўналишлари бўйича ҳам ўтказилиши мумкин.

Нобанк кредит ташкилотлари йиллик молиявий ҳисоботни аудиторлик хулосаси билан бирга нобанк кредит ташкилоти иштирокчиларининг (акциядорларининг) йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

## 6-боб. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

### 32-модда. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан хизматлар кўрсатишнинг асосий қоидалари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлар кўрсатаётганда истеъмолчиларга (мижозларга) нисбатан ҳалоллик, шаффофлик, ўзаро ҳурмат ва холислик принципларига риоя этиши керак.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар хизматлар кўрсатишнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқ ўзлари ишлаб чиққан қоидаларига биноан хизматлар кўрсатади.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг хизматлар кўрсатиш қоидалари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

кўрсатиладиган хизматларнинг рўйхати, уларнинг қиймати тўғрисидаги, шу жумладан кредитнинг (микроқарзнинг) тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартиби, шунингдек хизматлар кўрсатишнинг миқдори ва муддатлари ҳақидаги маълумотларни;

хизматлар кўрсатиш шартларини, шу жумладан истеъмолчиларга (мижозларга) нисбатан кредитлар (микроқарзлар) олиш учун қўйиладиган талабларни;

хизматлардан фойдаланиш учун истеъмолчилар (мижозлар) томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатини, уларни тақдим этиш тартибини ва кўриб чиқиш муддатини;

истеъмолчиларни (мижозларни) хизмат кўрсатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ёки мазкур хизматни кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида хабардор қилиш усулларини.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан пулли хизматлар кўрсатиш учун истеъмолчининг (мижознинг) бундай хизматлардан фойдаланишга доир буюртма ёки қонунчиликда назарда тутилган бошқа шаклдаги розилигининг (акцептнинг) мавжудлиги асос бўлади.

Истеъмолчининг (мижознинг) микромолия ташкилоти ёки ломбард олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш имкониятини аниқлаш учун микромолия ташкилоти ёки ломбард истеъмолчи (мижоз) томонидан тақдим этилган ва (ёки) ўзи кредит бюросидан ёки бошқа манбадан мустақил равишда олган ахборотдан фойдаланишга ҳақли.

Микромолия ташкилоти ёки ломбард:

хизматлар кўрсатиш қоидаларида белгиланган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқиши ҳамда хизмат кўрсатиш тўғрисида ёки мазкур хизматни кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши;

хизмат кўрсатиш тўғрисида ёки мазкур хизматни кўрсатишни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қабул қилинган қарор тўғрисида бундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай истеъмолчини (мижозни) ёзма шаклда хабардор этиши шарт.

Микромолия ташкилотларига ва ломбардларга қуйидагилар тақиқланади:

жисмоний шахсга кредит (микроқарз) бериш шартномаси бўйича йиллик қарз миқдорининг ярмидан кўпини ташкил этадиган суммада фоизлар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиққанлик, ссуда ҳисоб рақамларига хизмат кўрсатганлик, кредитлар (микроқарзлар) ажратганлик учун тўловлар, шунингдек кредитларни (микроқарзларни) муддатидан илгари тўлаганлик учун неустойкалар ундириш;

хизматдан фойдаланиш шарти сифатида микромолия ташкилотининг ёки ломбарднинг ёхуд ўзга учинчи шахснинг бошқа пулли хизматидан фойдаланишга истеъмолчини (мижозни) мажбурлаш;

жисмоний шахсларга чет эл валютасида кредитлар (микроқарзлар) бериш, шунингдек улар бўйича жисмоний шахсларнинг мажбуриятларини чет эл валютасида ҳисобга олиш;

қайтариш муддати бир йилгача бўлган кредитлар (микроқарзлар) таъминоти учун уй-жой кўчмас мулкини жисмоний шахслардан гаровга қабул қилиш – микромолия ташкилотлари учун;

жисмоний шахснинг илгари олган кредитлари (микроқарзлари) бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда унга кредит (микроқарз) бериш.

Микромолия ташкилотлари томонидан бериладиган истеъмол кредитлари ва микроқарзлар, шунингдек ломбардлар томонидан бериладиган микроқарзлар бўйича фоиз ставкалари ва тўловлар Марказий банк томонидан белгиланган энг юқори қийматлардан ошмаслиги керак.

### 33-модда. Истеъмолчиларнинг (мижозларнинг) ҳуқуқлари

Микромолия ташкилотларининг ва ломбардларнинг хизматлари истеъмолчилари (мижозлари):

хизмат тўғрисида, шунингдек ушбу хизматни кўрсатувчи ташкилот ҳақида тўғри ва тўлиқ ахборот олиш;

микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан кўрсатиладиган хизматни эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлиши;

(Давоми 4, 5-бетларда).

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3-бетларда).

хизматнинг хавфсиз бўлиши;

камчиликлари бўлган хизмат, шунингдек мазкур хизматни кўрсатувчи ташкилотнинг ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланиши, маънавий зиённинг компенсация қилиниши;

бузилган ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб судга, бошқа ваколатли давлат органларига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Микромолия ташкилотларининг ва ломбардларнинг хизматлари истеъмолчилари (мижозлари) қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Истеъмолчи (мижоз) микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан ўзига жарима солинмаган ҳолда:

кредитнинг (микроқарзнинг) фойдаланилмаган суммасидан мазкур кредитни (микроқарзни) берган (берадиган) ташкилотни кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартнома тузилган кундан эътиборан икки ҳафта ичида ёзма равишда хабардор қилиш орқали воз кечишга;

берилган кредит (микроқарз) суммасини муддатидан илгари қайтаришга ёки лизинг объектининг қийматини муддатидан илгари тўлашга, шунингдек улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни (лизинг берувчининг фоизли даромадини) тўлашга ҳақли.

### 34-модда. Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ахборотни ошкор қилиш

Кредит (микроқарз) бериш шартлари, унинг миқдори, муддатлари, уни тўлаш ва унинг тўлиқ қийматини ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлиши ҳамда расмий веб-сайтга (мавжуд бўлганда) жойлаштирилиши керак. Очиқ ахборот кўрсатилаётган хизматлар шартларидан ва уларга оид маълумотлардан фарқ қилмаслиги керак.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар истеъмолчи (мижоз) билан хизматлар кўрсатиш шартномасини тузгунига қадар:

ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган талабларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар тўғрисидаги ишончли ахборотнинг тўлиқ ошкор қилинишини таъминлаши. Кўрсатиладиган хизматларнинг шартлари ва қиймати ҳақида ахборот беришни рад этишга йўл қўйилмайди;

унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек хизматлар кўрсатиш шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатларини тушунтириши;

уни кўрсатиладиган хизматлар шартларини ўзгартириш тартиби, шу жумладан қарздорликни қайтариш муддатларини қайта кўриб чиқиш ва ундирувни гаров мулкига қаратиш тартиб-таомили билан таништириши керак.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар томонидан хизматлар кўрсатиш жойларида (кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш жойларида), шу жумладан ўз расмий веб-сайтида (мавжуд бўлганда) кредит (микроқарз) бериш, ундан фойдаланиш ва уни қайтариш шартлари тўғрисидаги қуйидаги ахборот жойлаштирилиши керак:

кредит (микроқарз) берувчи ташкилотнинг номи, унинг жойлашган ери, алоқа телефонлари, расмий веб-сайти (мавжуд бўлганда), микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига ёки ломбардлар реестрига ўзи ҳақидаги маълумотлар киритилганлиги тўғрисидаги ахборот;

кредит (микроқарз) олиш учун қарз олувчига қўйиладиган талаблар;

кредит (микроқарз) олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида ёки кредит (микроқарз) беришни асослантирилган ҳолда рад этиш ҳақида қарор қабул қилиш муддатлари;

кредитнинг (микроқарзнинг) турлари;

кредитнинг (микроқарзнинг) суммалари ва уни қайтариш муддатлари;

фоиз ставкалари йиллик фоизларда, ўзгарувчан фоиз ставкалари қўлланилганда эса уларни аниқлаш тартиби;

кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш турлари;

кредитдан (микроқарздан) фойдаланганлик учун фоизлар ҳисоблаш бошланадиган сана ёки уни аниқлаш тартиби;

кредит (микроқарз) бериш, шу жумладан масофавий хизматлар кўрсатиш тизимлари орқали кредит (микроқарз) бериш усуллари;

қарз олувчи кредит (микроқарз) олишни рад этишга ҳақли бўлган муддатлар;

қарз олувчининг кредитни (микроқарзни) қайтариш, кредит (микроқарз) бўйича фоизларни ва бошқа тўловларни тўлаш чоғидаги тўловларининг даврийлиги;

қарз олувчининг кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлиги, неустойка (жарима, пеня) миқдорлари, уни аниқлаш тартиби;

формулярлар ёки кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартноманинг умумий шартлари белгиланган бошқа стандарт шакллар.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ахборот қарз олувчининг эътиборига бепул етказилади.

Кредит (микроқарз) бериш, ундан фойдаланиш ва уни қайтариш шартлари тўғрисидаги ахборотни тарқатишга кредитор томонидан учинчи шахслар жалб этилган тақдирда бундай шахслар ахборотни ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳажмда ва тартибда ошкор этиши шарт.

Микромолия ташкилоти ва ломбард қарз олувчи мурожаат қилганда унга ҳақиқий қарздорликнинг миқдори тўғрисидаги тўлиқ ахборотни ва хизматлар кўрсатиш шартномасининг шартлари тўловларда ўзгаришга олиб келадиган тарзда ўзгартирилган тақдирда – тўловларнинг янги жадвалини тақдим этиши шарт.

Микромолия ташкилоти ва ломбард ўзининг номи ва (ёки) жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган тақдирда, бундай ўзгаришлар содир бўлган санадан эътиборан икки иш кунидан оширмаган муддатда бу ҳақда қарз олувчиларни ҳамда кредиторларини оммавий ахборот воситаларида ва ўз расмий веб-сайтида (мавжуд бўлганда) тегишли ахборотни эълон қилиш орқали хабардор этиши шарт. Мазкур талаб нобанк кредит ташкилоти филиалининг номи ёки жойлашган ери (почта манзили) ўзгарган ҳолларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

### 35-модда. Кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартнома шартлари

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар кредит (микроқарз) бериш тўғрисидаги шартномалар (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) асосида кредитлар (микроқарзлар) беради.

Шартнома шартлари қарз олувчи билан келишилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

кредит (микроқарз) суммасини ёки кредитлаш лимитини ва уни ўзгартириш тартибини;

фоиз ставкасини йиллик фоизларда, ўзгарувчан фоиз ставкаси қўлланилганда эса уни аниқлаш тартибини;

шартноманинг амал қилиш муддатини ва кредитни (микроқарзни) қайтариш муддатини;

қарз олувчининг шартнома бўйича тўловлари сони, миқдори ва даврийлигини (муддатларини), шунингдек кредитнинг (микроқарзнинг) асосий суммасини ҳамда у бўйича фоизларни тўлаш (дифференциал ёки аннуитет) усулини;

кредит (микроқарз) қисман муддатидан олдин қайтарилганда қарз олувчининг тўловлари сонини, миқдорини ва даврийлигини (муддатларини) ўзгартириш тартибини;

шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш тури ва бундай таъминотга (мавжуд бўлганда) нисбатан қўйиладиган талабларни;

микромолия ташкилотининг ёки ломбарднинг ва қарз олувчининг шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлигини, неустойка (жарима, пеня) миқдорини ёки уларни аниқлаш тартибини.

Шартномада қонунчиликка мувофиқ бошқа шартлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш қонунда белгиланган талабларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар ўзлари кўрсатадиган хизматларга оид шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли эмас, бундан ушбу модданинг олтинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Микромолия ташкилоти ва ломбард бир томонлама тартибда фоиз ставкасини камайтиришга, неустойка (жарима, пеня) миқдорини камайтиришга ёки уни тўлиқ ёки қисман бекор қилишга, неустойка (жарима, пеня) ундирилмайдиган муддатни белгилашга ёхуд уни ундиришни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли, шунингдек башарти қарз олувчининг қарзи ошишига олиб келмаса, шартноманинг бошқа шартларини ўзгартиришга ҳам ҳақли. Микромолия ташкилоти ёки ломбард шартномада белгиланган тартибда қарз олувчига шартнома шартлари ўзгарганлиги тўғрисидаги хабарномани, келгуси тўловлар миқдори ўзгарган тақдирда эса келгуси тўловлар ҳақидаги ахборотни ҳам юбориши ва шартнома шартларининг ўзгаришлари ҳақидаги ахборотдан фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

Истеъмолчининг (мижознинг) ҳуқуқларини чекловчи ва (ёки) унинг зиммасига қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча мажбуриятларни юкловчи шартнома шартлари ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Шартномага бундай шартларни киритиш натижасида истеъмолчига (мижозга) етказилган моддий зарарнинг ўрни микромолия ташкилоти ёки ломбард томонидан суд тартибида қопланиши ёки компенсация қилиниши лозим.

### 36-модда. Шикоятларни кўриб чиқиш

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар ўз истеъмолчиларининг (мижозларининг) шикоятларини кўриб чиқиш тартиб-таомилини белгиловчи тартибга эга бўлиши шарт.

Истеъмолчиларнинг (мижозларнинг) шикоятлари оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда бўлиши мумкин ва улар микромолия ташкилотига ёки ломбардга келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаган муддатда, қўшимча ўрганиш, текшириш ва (ёки) қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилиб, жавоб ёзма шаклда берилиши керак.

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар истеъмолчиларнинг (мижозларнинг) шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини чеклашга ҳақли эмас. Шикоятларни қабул қилишни рад этишга йўл қўйилмайди.

### 37-модда. Ахборотнинг махфийлиги

Микромолия ташкилотлари ва ломбардлар ўз қарз олувчилари ва кредиторларининг молиявий операцияларига доир ахборотнинг махфийлигини кафолатлайди. Микромолия ташкилотлари ва ломбардларнинг бошқарув органлари аъзолари, шунингдек ходимлари нобанк кредит ташкилотининг, унинг қарз олувчиларининг операцияларига, шунингдек кредиторлар билан операцияларга доир сирни сақлаши шарт.

Махфий ахборот ўзига ишониб топширилган ёки хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ушбу ахборот ўзига маълум бўлиб қолган шахслар уни ошкор этганлик учун белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Микромолия ташкилотларига ва ломбардларга нисбатан банк сири тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган қоидалар қўлланилади.

## 7-боб. Якунловчи қоидалар

### 38-модда. Нобанк кредит ташкилотини қайта ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари ва нобанк кредит ташкилотини тугатиш

Нобанк кредит ташкилотини қайта ташкил этиш иштирокчилар (акциядорлар) умумий йиғилишининг қарорига асосан қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Микромолия ташкилоти бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилганда янгидан вужудга келадиган микромолия ташкилоти мажбуриятларга ҳуқуқий ворис бўлишда ёки қайта ташкил этилаётган микромолия ташкилоти ушбу Қонун 8-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган маблағлар ҳисобидан фаолиятни амалга оширган тақдирда пруденциал нормативларга риоя этиши керак.

Нобанк кредит ташкилотини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

### 39-модда. Низоларни ҳал этиш

Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти ва микромолиялаштириш фаолияти соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

### 40-модда. Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик

Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

### 41-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

**1.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»**ги 154–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 11 ноябрда қабул қилинган ЎРҚ–582-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 790-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **11-модда биринчи қисмининг**:

**ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар фаолиятини лицензиялашда, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказишда, шунингдек банклар, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари, ломбардлар ва банклар гуруҳлари фаолиятини тартибга солиш ҳамда назорат қилишда асослантирилган мулоҳазадан фойдаланади»;

**ўн тўққизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклардаги, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлардаги, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларидаги ва ломбардлардаги қоидабузарликларни аниқлаш юзасидан назорат тадбирларини амалга оширади, шу жумладан масофадан туриб ҳам амалга оширади»;

2) **12-модда биринчи қисмининг**:

**ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкларнинг, тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржалари ва кредит бюроларининг фаолиятини лицензиялайди, банкларнинг, шунингдек микромолия ташкилотларининг, ломбардларнинг, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларининг (бундан буён матнда нобанк кредит ташкилотлари деб юритилади), тўлов ташкилотларининг, тўлов тизимлари операторларининг, валюта биржаларининг, кредит бюроларининг ва банклар гуруҳларининг фаолиятини тартибга солади ҳамда ушбу фаолият устидан назоратни амалга оширади»;

**ўн бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк назорат қилиши лозим бўлган шахслар томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши юзасидан мониторинг ҳамда назоратни амалга оширади»;

**ўн еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар ва нобанк кредит ташкилотлари (бундан буён матнда кредит ташкилотлари деб юритилади) хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, молиявий хизматларнинг очиқлигини ҳамда аҳолининг ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлиги даражасини ошириш чораларини кўради»;

3) **20-модда**:

**саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар, шу жумладан тизимли аҳамиятга молик банклар, шунингдек банклар гуруҳлари, микромолия ташкилотлари ҳамда ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун пруденциал нормативларни ҳисоблаб чиқариш тартибини ва ушбу нормативларнинг йўл қўйиладиган қийматларини белгилайди»;

**ўн иккинчи хатбошисидаги** «микрокредит ташкилотларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларни ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ҳисоб рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади»;

**ўн тўртинчи – йигирма саккизинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи – йигирма тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

4) **60-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банкларни ва кредит бюроларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ҳамда шартларини»;

**тўртинчи хатбошисидаги** «банк фаолияти соҳасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўнинчи хатбошисидаги** «микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн бешинчи хатбошисидаги** «микрокредит ташкилотларини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотларини ва кредит бюроларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **ўн саккизинчи, ўн тўққизинчи ва йигирманчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«юридик шахслар томонидан янги молиявий операциялар, технологиялар ва хизматларни назорат қилинадиган чекланган муҳитда (қамров ҳудуди, синов даври, операциялар ва хизматларнинг сони ва (ёки) ҳажми, истеъмолчилар сони ва бошқалар) синовдан ўтказиш бўйича махсус ҳуқуқий режимини («тартибга солиш қумдони»);

микромолия ташкилотлари томонидан тўлов агентининг (субагентининг) ёки банклар, суғурта ва бошқа молия ташкилотлари агентининг вазифаларини амалга ошириш тартибини;

микромолия ташкилотлари томонидан исломий молиялаштиришга оид хизматлар кўрсатиш тартибини»;

**ўн саккизинчи хатбошиси йигирма биринчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк банклар ва кредит бюроларининг давлат реестрларини, банкларга, тўлов ташкилотларига, тўлов тизимлари операторларига, валюта биржаларига, кредит бюроларига берилган лицензияларнинг реестрларини, микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрини, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестрини, ломбардлар реестрини, шунингдек рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрларини юритади»;

5) **61-модда**:

**биринчи қисмининг ўн биринчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар, шу жумладан тизимли аҳамиятга молик банклар, шунингдек банклар гуруҳлари, микромолия ташкилотлари ва ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари учун пруденциал нормативларни ҳисоблаб чиқариш тартибини ҳамда ушбу нормативларнинг йўл қўйиладиган қийматларини»;

**иккинчи қисмининг**:

**тўртинчи хатбошисидаги** «микрокредит» деган сўз «микромолия» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«банклар ва микромолия ташкилотлари томонидан бериладиган истеъмол кредитлари ҳамда микроқарзлар, шунингдек ломбардлар томонидан бериладиган микроқарзлар бўйича фоиз ставкалари ва тўловларининг энг юқори қийматларини белгилашга»;

**ўн учинчи хатбошисидаги** «микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **65-модда**:

**ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ипотека кредитларини қайта молиялаштириш фаолиятини амалга оширишга»;

қуйидаги мазмундаги **ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн еттинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширишга;

жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улуши бевосита ёки билвосита олинаётганда;

нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ушбу модданинг ўн тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳажмдаги улуши олувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олинаётганда»;

7) **65[1]-модданинг биринчи қисми**:

**еттинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микромолия ташкилоти филиалини очиш ёки ёпиш»;

қуйидаги мазмундаги **саккизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ломбард филиалини очиш ёки ёпиш»;

8) **67-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Нобанк кредит ташкилотлари қонунчилик талабларини, шу жумладан белгиланган пруденциал нормативларни бузган ёки хабардор қилиш тартибида фаолиятни (ҳаракатларни) амалга ошириш учун белгиланган талаблар ва шартлар бажарилганлиги тўғрисида Марказий банкка ёлғон ёки нотўғри ахборот берган тақдирда Марказий банк:

қоидабузарга ўз фаолиятида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар юборишга;

уларнинг ўз капиталининг беш фоизигача миқдорда жарима ундиришга;

айрим операцияларни ўтказишни уч ойгача бўлган муддатга чеклашга;

нобанк кредит ташкилоти тўғрисидаги маълумотларни микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестридан ёки ипотекани қайта молиялаштириш ташкилотлари реестридан ёки ломбардлар реестридан чиқариб ташлашга;

хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолиятни тўхтатиб туришга ёки тугатишга ҳақлидир»;

9) **10-боб:**

қуйидаги мазмундаги **67[1]-модда** билан тўлдирилсин:

### «67[1]-модда. Молиявий хизматлар соҳасидаги махсус «тартибга солиш қумдони» ҳуқуқий режими

Юридик шахсларнинг янги молиявий операциялар, технологиялар ва хизматларни назорат қилинадиган чекланган муҳитда (қамров ҳудуди, синов даври, операциялар ва хизматларнинг сони ва (ёки) ҳажми, истеъмолчилар сони ва бошқалар) синовдан ўтказиш бўйича фаолиятини махсус тартибга солиш молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимдир («тартибга солиш қумдони»).

Махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш ва бекор қилиш, мазкур режим доирасида фаолиятни амалга ошириш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.

Махсус ҳуқуқий режим Марказий банк томонидан махсус ҳуқуқий режимнинг вақтинчалик тартибини тасдиқлаш орқали жорий этилиб, ушбу тартиб қуйидагиларни назарда тутади:

махсус ҳуқуқий режимнинг уч йилдан ошиши мумкин бўлмаган амал қилиш муддатини;

махсус ҳуқуқий режим иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайдиган қонунчилик ҳужжатларининг нормаларини;

махсус ҳуқуқий режим жорий этилишининг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиб-таомиллари ҳамда мезонларини, шу жумладан мақсадли индикаторларни;

махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш ва қўллаш учун зарур бўлган бошқа ахборотни.

Махсус ҳуқуқий режим амал қилиши якунланганидан кейин махсус ҳуқуқий режим доирасида синовдан ўтказилган янги молиявий операциялар, технологиялар ва хизматларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади.

Махсус ҳуқуқий режим доирасида синовдан ўтказилган янги молиявий операциялар, технологиялар ва хизматларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилган тақдирда, Марказий банк махсус ҳуқуқий режим доирасида синовдан ўтказилган янги молиявий операциялар, технологиялар ҳамда хизматларни уларнинг амал қилишини чекламасдан жорий этишга доир қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди»;

қуйидаги мазмундаги **69[1]-модда** билан тўлдирилсин:

### «69[1]-модда. Марказий банкнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги

Марказий банк давлат органлари ва ташкилотларидан лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари доирасида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни сўраб олишга ҳақлидир.

Давлат органлари ва ташкилотлари Марказий банк томонидан сўралган, тегишли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этиши керак».

**2.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11–12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар; 2011 йил, № 12/2, 363, 364, 365-моддалар; 2012 йил, № 4, 106, 109-моддалар, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 9, 510-модда, № 12,773-модда; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 224-модда, № 7, 433-модда, № 10, 673-модда; 2019 йил, № 3, 161, 166-моддалар, № 5, 267-модда, № 10, 671-модда, № 12, 880, 886-моддалар; 2020 йил, № 1, 3, 4-моддалар, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 8, 801-модда, № 10, 968-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **289-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаролардан шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли микроқарзларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослашган ташкилотлар – фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга оширадиган ломбардлар томонидан тадбиркорлик фаолияти сифатида амалга оширилиши мумкин»;

2) **750-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаштириш шартномаларини молия агенти сифатида банклар ва бошқа кредит ташкилотлари тузиши мумкин».

**3.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган **«Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»**ги 310–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1,10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 325-модда, № 12, 598-модда; 2011 йил, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **45[1]-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади, бундан кредит ташкилоти бўлган жамият мустасно. Кредит ташкилоти бўлган жамиятда ички аудит хизмати нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ ташкил этилади. Жамиятнинг кузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир».

**4.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 майда қабул қилинган **«Истеъмол кредити тўғрисида»**ги ЎРҚ–33-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 5, 216-модда; 2012 йил, № 4, 105-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари молиявий истеъмол кредити берувчи ташкилотлардир»;

2) **17-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Истеъмол кредити бериш шартномаси ва унинг қарз олувчи томонидан бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар кредит тарихини шакллантириш учун кредит бюроларига тақдим этилади ҳамда улардан қонунчиликда белгиланган тартибда фойдаланилади. Молия истеъмол кредити бериш шартномаси тўғрисидаги маълумотлар Кредит ахборотининг давлат реестрига ҳам тақдим этилади».

**5.** Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 4 октябрда қабул қилинган **«Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»**ги ЎРҚ–301-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2011 йил, № 10, 271-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда; 2020 йил, № 1, 3-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **16-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Банклар ва нобанк кредит ташкилотлари, шунингдек микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи тўлов ташкилотлари бўлган кредит ахборотини етказиб берувчилар ўзидаги мавжуд кредит ахборотини Кредит ахборотининг давлат реестрига ва кредит бюроларига тақдим этиши шарт».

**6.** Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 1 ноябрда қабул қилинган **«Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–578-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 11, 786-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда) **18-моддаси иккинчи қисмининг саккизинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микромолия ташкилоти фаолияти».

**7.** Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги ЎРҚ–600-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда) **Иловаси 20-бандининг** «**в**» **кичик банди** чиқариб ташлансин.

**8.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда қабул қилинган **«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»**ги ЎРҚ–677-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 2, 146-модда) **14-моддасининг иккинчи хатбошисидаги** «ва бошқа кредит ташкилотларини» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2, 3, 4-бетларда).

**9.** Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-илованинг 14-позицияси** чиқариб ташлансин;

2) **2-илова** қуйидаги мазмундаги **$48^1$, $48^2$** ва **$48^3$-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| $48^1$. | Микромолия ташкилотини микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш тўғрисидаги қарор | Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга ошириш | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| $48^2$. | Тўлов ташкилотини микромолия ташкилоти фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар реестрига киритиш тўғрисидаги қарор | Микромолия ташкилоти фаолиятини амалга ошириш | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| $48^3$. | Нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини олиш учун дастлабки (кейинги) рухсатнома | Жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан тегишинча яқин қариндошлари ҳамда улар билан боғлиқ бўлган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилувчи жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек норезидентлар томонидан бир ёки бир нечта битим натижасида нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушини бевосита ёки билвосита олиш | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |
| | | нобанк кредит ташкилотининг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўн фоиз ва ундан кўпроқ улушини олувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда олиш | |

»;

3) **3-илованинг**:
**10-позицияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| 10. | Микромолия ташкилотининг филиалини очганлик ёки ёпганлик ҳақидаги хабарнома | Микромолия ташкилотининг филиалини очиш | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |

»;

қуйидаги мазмундаги **$10^1$-позиция** билан тўлдирилсин:

«

| | | | |
|---|---|---|---|
| $10^1$. | Ломбарднинг филиалини очганлик ёки ёпганлик ҳақидаги хабарнома | Ломбарднинг филиалини очиш | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки |

»;

**42-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш**

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган **«Микромолиялаш тўғрисида»**ги ЎРҚ–50-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 492-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 20 сентябрда қабул қилинган **«Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–53-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 9, 495-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 17 декабрда қабул қилинган **«Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–339-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 330-модда);

4) Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–345-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, № 12, 336-модда) **18** ва **19-моддалари**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–352-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда) **39-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–373-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 9, 244-модда) **25-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–391-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 8, 312-модда) **32** ва **41-моддалари**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 29 декабрда қабул қилинган **«Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–418-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2016 йил, № 12, 385-модда) **12-моддаси**;

9) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–429-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 4, 137-модда) **13-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 октябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–494-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 10, 670-модда) **4** ва **5-моддалари**;

11) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 февралда қабул қилинган **«Хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги баъзи давлат органлари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–522-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 2, 47-модда) **42-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрда қабул қилинган **«Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартиби такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–586-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 12, 880-модда) **39-моддаси**;

13) Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 мартда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–612-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 3, 203-модда) **5-моддаси**;

14) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ–683-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, 4-сонга илова) **172, 174** ва **215-моддалари**;

15) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 октябрда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ–721-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 10, 968-модда) **18-моддаси**.

**43-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Марказий банк ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**44-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**45-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Нобанк кредит ташкилотлари ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан олти ой ичида фирма номини ушбу Қонуннинг 13-моддасида белгиланган талабларга мувофиқлаштириши шарт.

Ушбу Қонун кучга кирган кундан эътиборан ва фирма номи ушбу Қонуннинг 13-моддасига мувофиқлаштирилгунига қадар микрокредит ташкилотлари микромолия ташкилотлари деб эътироф этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 апрель
№ ЎРҚ—765

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ, БЮРОКРАТИК ТЎСИҚЛАРНИ ҚИСҚАРТИРИШ ҲАМДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШ МИЛЛИЙ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Давлат хизматлари кўрсатиш тизимини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришнинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган миллий стратегиясини 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ;

**2022 йил 1 июлдан айрим талаб ва шартлари бекор қилинаётган лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар рўйхати** 3-иловага мувофиқ;

**2022 йил 1 июндан Ягона интерактив давлат хизматлари порталида электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайдиган давлат хизматлари рўйхати** 4-иловага мувофиқ;

**"Электрон ҳукумат" доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизимига давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш жадвали** 5-иловага мувофиқ;

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш ва кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган давлат органларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини Ягона биллинг тизимига босқичма-босқич интеграция қилиш жадвали** 6-иловага мувофиқ;

**2022 — 2026 йилларда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини жадал ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, **2022 йил 1 июлдан** бошлаб **коммунал ташкилотлар** томонидан аҳолидан, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартдаги ПФ-6191-сон Фармонининг 4-банди ҳамда 2021 йил 24 июлдаги ПФ-6269-сон Фармонининг 5-бандида назарда тутилган маълумот ва ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади.

"Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ, "Ҳудудгазтаъминот" АЖ, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва "Тошиссиққуввати" ДУК Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда **2022 йил 1 июнга** қадар ўз ахборот тизимларининг "Электрон ҳукумат" тизими доирасида ишловчи Рақамли маълумотлар платформасига интеграция қилинишини таъминласин.

6. Хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, фуқаролар ва хусусий секторга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб қуйидаги нодавлат ташкилотларга "Электрон ҳукумат" тизими орқали олиниши мумкин бўлган маълумотлардан фойдаланиш имконияти яратилсин:

тижорат банклари;

телекоммуникация ташкилотлари;

хусусий тиббиёт муассасалари;

нодавлат таълим ташкилотлари;

суғурта ташкилотлари.

Белгилансинки, "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланишга рухсат берилган нодавлат ташкилотлар шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш ҳамда учинчи шахсларга маълум қилмаслик бўйича зарур ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт. Бунда, шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш тегишли лицензиянинг талаб ва шартларидан бири ҳисобланади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

**бир ой муддатда** "Электрон ҳукумат" тизими доирасида маълумотларни нодавлат ташкилотларга тақдим этувчи **Рақамли маълумотлар платформасини** ишлаб чиқсин;

**икки ой муддатда** нодавлат ташкилотларни Рақамли маълумотлар платформасига улаш ҳамда барча давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларида мавжуд бўлган маълумотлар нодавлат ташкилотларга фақат Рақамли маълумотлар платформаси орқали тақдим этилишини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**2022 йил 1 июнга** қадар ушбу Фармонга 4-иловада кўрсатилган давлат хизматларидан ЯИДХПда электрон рақамли имзо билан тасдиқламасдан фойдаланиш имкониятини яратсин;

**2022 йил 1 августга** қадар давлат хизматларидан фойдаланиш учун Мобил-ID тизимини, шунингдек, шахсга доир маълумотларни "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланган ҳолда тақдим этишнинг янги тартибини жорий этиш бўйича ташкилий-техник чораларни амалга оширсин.

8. Шахсга доир маълумотларнинг конфиденциаллигини ва ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида **2022 йил 1 августдан** бошлаб шахсга доир маълумотларни "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланган ҳолда олишнинг қуйидаги тартиби жорий этилсин:

давлат органлари томонидан шахсга доир маълумотлар "Электрон ҳукумат" тизими орқали сўраб олинганда шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ID тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамига бу ҳақида хабарнома юборилади (бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган ҳолатлар мустасно);

хўжалик бирлашмалари, давлат ташкилотлари ва муассасалари, "Электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланишга рухсат берилган нодавлат ташкилотлар томонидан ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишда шахсга доир маълумотлар унинг субъекти розилиги билан "Электрон ҳукумат" тизими орқали тақдим этилади. Бунда, маълумотлар тегишли ташкилотга шахсга доир маълумотлар субъектининг ЯИДХПдаги шахсий кабинети ёки Мобил-ID тизими орқали идентификациядан ўтган мобил телефон рақамидан тасдиқ олингандан сўнг "Электрон ҳукумат" тизими орқали тақдим этилади.

Давлат персоналлаштириш маркази Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ваколат, функция ва фаолият йўналишидан келиб чиққан ҳолда, "Электрон ҳукумат" тизими орқали шахсга доир маълумотлардан фойдаланиш доираси ва чегараларини белгилаш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 июндан** бошлаб:

"Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишда ўтказиладиган кириш **тест синовларида** иштирок этиш учун ундириладиган **тўловлардан озод этилади**;

Марказларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматларидан фойдаланиш учун ўзига ўзи хизмат кўрсатувчи жойлар ташкил этилади. Бунда, Марказларда фаолият олиб бораётган операторларнинг камида **1 нафари** давлат хизматларидан мустақил фойдаланмоқчи бўлган шахсларга бевосита ёрдам кўрсатишга жалб этилади;

давлат хизматидан фойдаланишда ундириладиган тўловларни Марказларда жойлашган тижорат банклари шохобчасидан нақд ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширганда **икки фоизгача бўлган тижорат банкининг комиссия** суммаси учун алоҳида **тўлов ундирилмайди** (бундан давлат божи тўловлари мустасно). Бунда, маблағларни олувчиларнинг ҳар бирига йўналтириладиган суммалар пропорционал равишда камайтирилган ҳолда, тижорат банкининг комиссия тўлови хизматдан фойдаланиш учун тўланадиган тўлов ҳисобидан ўтказиб берилади;

ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, давлат хизматларини кўрсатиш ёки бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга ошириш функциялари юклатилган ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва масъул ходимлари давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгар ҳисобланади.

10. Адлия вазирлиги **2022 йил 1 июлга** қадар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази ва Давлат персоналлаштириш маркази билан биргаликда шахсни Мобил-ID тизими орқали идентификациялаш тартибини жорий этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Марказларда давлат хизматлари учун тўловларни қабул қиладиган тижорат банклари шохобчаларини **ижара тўловларини ундирмаган ҳолда беш йилгача** бўлган муддатга жойлаштириш бўйича танлов ўтказсин;

қонунчилик ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига **8-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари **9-иловага** мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

13. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда мазкур фармоннинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга **масъул ва шахсий жавобгар** этиб адлия вазири **Р.Қ.Давлетов** ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири **Ш.Х.Шерматов** белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул идоралар фаолиятини **мувофиқлаштириш ва назорат қилиш** Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида **2022 йил 1 ноябрга** қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 20 апрель

# СЕНАТНИНГ ЙИГИРМА БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ҚАЧОН ЎТКАЗИЛИШИ АНИҚ БЎЛДИ

1

Шу билан бирга, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, Бош прокурорнинг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари, Болалар масалалари бўйича миллий комиссия ҳамраисининг ўтган давр мобайнидаги фаолияти юзасидан ахбороти эшитилиши режа қилинмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йилда ҳуқуқий тарғибот ва маърифатнинг ҳолати ҳақидаги ахбороти, шунингдек, қонунларнинг ижроси, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари кўриб чиқилади.

Ялпи мажлисда Андижон вилояти ҳокимининг ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, даромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар ҳақидаги ҳисоботини ҳам эшитиш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 31 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам кўриб чиқилиши режалаштирилган.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТ ЮҚОРИ ПАЛАТАСИ РАИСИНИНГ МАҚОЛАСИ ҲИНДИСТОН ОАВ САҲИФАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

1

"АҚШ Меҳнат вазирлигининг 2019 йилги ҳисоботида Ўзбекистонга болалар меҳнатидан фойдаланишнинг энг ёмон шаклларига барҳам бериш бўйича "ўртача муваффақиятли" баҳоси берилди. Сўнгра мақом иккинчи тоифага кўтарилди, — дея таъкидланади мақолада. — 2020 йил октябрь ойида АҚШ Савдо ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг АҚШ умумий преференциялар тизимига асосан меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш мезонига мувофиқлигини қайта кўриб чиқиш бўйича ишларни якунлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Натижада ўзбек пахтаси "Болалар меҳнати ёки мажбурий меҳнат билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рўйхати"дан чиқарилди".

Мақолада, шунингдек, 2020 йил декабрь ойида Еврокомиссия томонидан таҳлил ўтказилгани ва унинг асосида Ўзбекистоннинг "GSP+"да иштирок этиш мезонига мос келиши ҳақида хулоса қилингани алоҳида келтирилади. "Масалан, 2021 йил апрель ойида Ўзбекистон учун ЕИ барқарор ривожланиш ва самарали бошқарув учун махсус преференциялар тизими (GSP+) кучга кирди. 2021 йилда Ўзбекистон иккинчи тоифани қўлга киритиб, АҚШнинг Одам савдоси маърузасида ўз ўрнини яхшилади", деб ёзади муаллиф.

Ўзбекистон парламенти юқори палатаси Раисининг таъкидлашича, эришилган муваффақиятлар меҳнат муносабатлари соҳасидаги кенг кўламли тизимли ислоҳотларнинг самарасидир. "Хусусан, миллий қонунчиликни такомиллаштириш натижасида 2019 — 2021 йилларда 32 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ва баённомалари ратификация қилинди", дея қайд этилади мақолада.

Бугунги кунда Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, шунингдек, "Cotton Campaign" коалициясининг одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва меҳнаткашлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича тавсиялари асосида комплекс чора-тадбирлар режалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Мақола сўнгида Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева инсон ҳуқуқларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессансни барпо этиш учун мустаҳкам пойдевор яратганини мамнуният билан қайд этган.

# ГИЁҲВАНД МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ АЙЛАНИШИ — МИНТАҚА ХАВФСИЗЛИГИ ВА БАРҚАРОРЛИГИГА ЖИДДИЙ ТАҲДИД

*Тошкентда 20 апрель куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича ваколатли органлари раҳбарларининг ўн иккинчи учрашуви бўлиб ўтди.*

ШҲТнинг гиёҳвандликка қарши уч босқичли механизмини амалга ошириш доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Покистон, Россия, Тожикистон ҳамда ШҲТ Котибиятидан гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича ваколатли идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Сўнгги пайтда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ синтетик гиёҳванд воситалар ва янги психофаол моддалар кенг тарқатилиши, шунингдек, наркотик ишлаб чиқаришда қўлланадиган кимёвий моддаларнинг доимий равишда ноқонуний айланиши каби янги тенденциялар намоён бўлмоқда. Қолаверса, қўшни Афғонистондаги мавжуд вазият муносабати билан шимолий йўналиш орқали гиёҳванд моддалар контрабандаси ўсиши ҳам долзарблигича қолмоқда.

Хавфсизлик соҳасида юзага келган ҳозирги мураккаб даврда минтақамиз гиёҳванд моддалар кенг тарқалиши таҳдиди билан юзма-юз келмоқда. Бундай шароитда ШҲТ нуфузли халқаро ташкилот сифатида бу балога қарши курашда фаоллик кўрсатиши, аъзо давлатларнинг наркотик моддаларга қарши кураш бўйича саъй-ҳаракатини мувофиқлаштириб бориши ҳамда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўйича ҳуқуқ-тартибот органлари қўшма фаолиятини мустаҳкамлаши лозим.

Маълумки, наркотик моддаларни назорат қилиш соҳасида ШҲТ форматидаги ҳамкорлик Битими 2004 йил 17 июнь куни Тошкентда имзоланган. Шундан буён мазкур ҳужжат доирасида тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази (НМНМАТМ) ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш бўйича республикамизнинг миллий даражадаги ваколатли органи этиб белгиланган.

Ҳужжат доирасида марказий ваколатли идоралар — Ташқи ишлар, Ички ишлар, Адлия, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, НМНМАТМ, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси ўзаро шериклар ҳисобланади.

Битимни ҳаётга жорий қилиш мақсадида 2009 йил ШҲТ мамлакатлари гиёҳвандликка қарши ҳамкорлигининг уч босқичли механизми яратилди. Ташкилотга аъзо давлатларнинг наркотик моддалар ноқонуний айланишига қарши курашиш ваколатига эга ваколатли идоралари раҳбарлари, гиёҳвандликка қарши кураш органлари юқори мансабдор шахслари йиғилишларини ўтказиш, Экспертлар ишчи гуруҳларини шакллантииириш, Ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш ва бошқа бир қатор йўналишлар ҳамда вазифалар белгилаб олинган.

Механизм доирасида 2018 йили ШҲТга аъзо давлатларнинг 2018 — 2023 йилларга мўлжалланган гиёҳвандликка қарши стратегияси ишлаб чиқилиб, ҳужжат ижросини таъминлашга қаратилган Ҳаракатлар дастури қабул қилинди. Айни пайт ваколатли идоралар томонидан ушбу дастурни ҳаётга татбиқ этиш бўйича иш режаси амалга оширилмоқда.

Ваколатли идоралар раҳбарларининг бу галги йиғилишида 2004 йил 17 июнда имзоланган ҳужжатда белгиланган мақсадлар, хусусан, наркотик моддалар, психотроп воситалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг биргаликдаги ҳаракатига баҳо берилди. Томонлар умумий стратегия доирасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги хусусида якдил фикр билдиришди.

Учрашувда делегация раҳбарларининг ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги Битим доирасида амалга ошириладиган келгуси ишлар юзасидан чиқишлари тингланди. Ташкилотнинг 2018 — 2023 йилларга мўлжалланган наркотик моддаларга қарши кураш стратегияси, мазкур ҳужжатни амалга ошириш учун қабул қилинган Ҳаракатлар дастури, шунингдек, гиёҳвандликнинг олдини олиш, мазкур хасталикни даволаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ваколатли органлар ҳамкорлигини кучайтириш белгиланди.

Тадбир якуни бўйича тегишли Протокол имзоланди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар гиёҳванд моддаларга қарши кураш бўйича ваколатли органлари раҳбарларининг кейинги, ўн учинчи йиғилишини 2023 йил биринчи ярмида Ҳиндистон Республикасида ўтказишга келишилди.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАКТАБЛАРДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ КЎТАРИШ ЗАРУР

*Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги 330-умумтаълим мактабида Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректори Содиқ Сафоев ҳамда университет профессор-ўқитувчиларининг мазкур туман халқ таълими фаоллари билан учрашуви бўлиб ўтди.*

## Учрашув

Мулоқот давомида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида шу йил 5 апрель куни халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижадорлиги таҳлилига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган вазифалар юзасидан ахборот берилди ҳамда ушбу вазифалар ижросини таъминлаш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Хусусан, мактабларда таълим сифатини кўтариш бўйича методологик ёрдам кўрсатиш, муайян таълим йўналишлари (гуманитар ва аниқ фанлар, хорижий тиллар) бўйича мактаб педагогларининг малакасини ошириш ҳамда бу борада хорижий тажрибани ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қайд этилганидек, мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ЖИДУ профессор-ўқитувчилари Янгиҳаёт тумани мактаблари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйган.

Шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси юртимизда сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий ҳамда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш соҳаларида амалга ошириладиган вазифаларни қамраб олгани, хусусан, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантиришнинг энг муҳим омили ҳисобланган сифатли таълим-тарбия масаласи доимий эътиборда бўлиши таъкидланди.

**«Халқ сўзи».**

Муҳокама

# ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда Олий Мажлис Сенатининг йигирма бешинчи ялпи мажлисида кўриб чиқиладиган масалалар дастлабки тарзда муҳокама этилди.

Жумладан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил I чорагидаги ижроси якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи атрофлича кўриб чиқилди.

Давлат дастурини ижро этиш мақсадида ташқи сиёсат соҳасида 130 дан ортиқ ташрифлар, учрашувлар, онлайн музокаралар, давра суҳбатлари юқори даражада ташкил этилди.

Ўзбекистон МДҲ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти каби минтақавий тузилмалардаги фаолиятини кучайтирди. Бу ташкилотлар билан биргаликда сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда 40 дан ортиқ ташрифлар, учрашувлар, давра суҳбатлари ва юқори даражадаги тақдимотлар ўтказилди.

Инвестициялар соҳасида январь — март ойларида 2,448 млрд. долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 307 та корхонага экспортга йўналтирилган савдо операциялари ва экспортдан олдин молиялаштириш кредитлари учун 172 млн. доллар ажратилди.

Шу билан бирга, сенаторлар “иқтисодий дипломатия” чора-тадбирлари, ҳамкор давлатлар билан минтақалараро шериклик келишуви ва лойиҳалари самарадорлигини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, тадбирда ялпи мажлисда кўрилиши режалаштирилган қонунлар ҳам муҳокамадан ўтказилди. Хусусан, қўмита фаолиятидан келиб чиқиб, “Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун батафсил кўриб чиқилди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИНЧОН ШАҲРИДА «ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ: ҲАМКОРЛИККА 30 ЙИЛ» МАВЗУИГА БАҒИШЛАНГАН ФОТОКЎРГАЗМА ЎТКАЗИЛДИ

*Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида жорий йил 5 — 15 апрель кунлари Инчон шаҳрида «Ўзбекистон — Жанубий Корея: ҳамкорликка 30 йил» мавзуига бағишланган фотокўргазма ташкил этилди.*

Ушбу тадбир Жанубий Корея — Ўзбекистон бизнес ассоциацияси билан ўзаро ҳамкорликда ўтказилди.

Кўргазмада икки мамлакатнинг дўстона муносабатлари, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, шунингдек, баҳор байрами — Наврўзи олам билан боғлиқ бўлган бой анъана ва маданиятни ўзида акс эттирган қирққа яқин фотосуратлар намойиш этилди.

Унда профессионал сурат усталарининг ишлари билан бир қаторда, ўзбекистонлик ҳаваскор фотосуратчиларнинг асарлари ҳам тақдим қилинди.

Бундан ташқари, фотокўргазма доирасида иштирокчилар ҳунармандчилик, зардўзлик, ёғоч ўймакорлиги, ипак маҳсулотлари ва сопол буюмлар ҳамда халқ амалий санъатининг бошқа намуналари намойишидан ҳам баҳраманд бўлишди.

Ўн кун давом этган ушбу кўргазма иши билан минг нафардан ортиқ ўзбек маданияти ихлосмандлари — корейс ва бошқа миллатлар вакиллари, ушбу мамлакатда таҳсил олаётган ва меҳнат фаолиятини олиб бораётган ватандошларимиз танишди.

Кўргазмага келган айрим меҳмонлар тадбирдан орттирган таассуротларини “Дунё” АА мухбири билан ўртоқлашди.

**Сонг Де ҲЕ,**
**тадбиркор, кўргазма иштирокчиси:**



— Мен Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги билан ҳар икки мамлакат халқларини чин қалбимдан табриклайман. Ўтган йил декабрь ойида Ўзбекистон Президентининг Жанубий Кореяга давлат ташрифи амалга оширилган эди. Ушбу олий даражадаги ташриф икки мамлакат алоқаларини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон тадбиркорлари ўртасидаги муносабатларнинг янада фаоллашиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Мен бугун Инчон шаҳрида бўлиб ўтаётган кўргазмага келиб, Ўзбекистоннинг бой маданияти ва санъати, тарихий обидаларини ўзида акс эттирган суратларни томоша қилар эканман, беҳад завқланганимни айтишни истар эдим. Ўйлайманки, бу каби кўргазмалар икки мамлакатнинг дўстона алоқалари янада чуқурлашишига салмоқли ҳисса қўшади.

**Ку Мин ЁНГ,**
**тадбир иштирокчиси:**



— Кўргазмада намойиш этилаётган асарлар нафақат икки мамлакат ўртасидаги алоқалар ҳақида, балки Ўзбекистоннинг иқтисодиёти, илм-фани, санъати ва маданиятини ҳам ўзида акс эттирган. Кўргазма иши билан танишар эканман, Ўзбекистон ҳақида янада кўпроқ маълумот олиш имкониятига эга бўлганимни таъкидлашни истар эдим.

Айни пайтда мен ўзбек тилини ўрганяпман. Келажакда ўзбек тилини мукаммал ўрганиб, Ўзбекистоннинг машҳур тарихий шаҳарларига саёҳат қилишни режалаштирганман.

**Шерзодбек НОЗИМЖОНОВ,**
**Инчон шаҳридаги Инха университети талабаси:**



— Жанубий Кореяда истиқомат қилаётган ватандошлар қатори мен ҳам Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу кўргазмага келдим. Мазкур тадбир Жанубий Кореяда яшаётган Ўзбекистон фуқаролари учун байрамона муҳит яратиш, шунингдек, Ўзбекистон маданияти, тарихи ва анъаналарини хорижда кенг тарғиб қилиш нуқтаи назаридан жуда муҳим аҳамият касб этади. Бу ерга келиб, ўзимни Ватанимда юргандек ҳис қилдим. Келажакда мен ҳам замонавий билимларни эгаллаб, юртимиз равнақи учун хизмат қилиш мақсадини қўйганман.

**Аброрбек ҲАСАНОВ,**
**Инчон шаҳридаги Инха университети талабаси:**



— Жанубий кореялик ва ўзбекистонлик дўстларимиз билан биргаликда Инчон шаҳрида уюштирилган миллий кўргазмага келдик. Бу ердаги муҳитни кўриб, яна бир бор Ватанимизга боргандек ҳис қилдик ўзимизни. Албатта, бундай тадбирлар юртимиздан узоқда юрган биз каби талабаларда Ватан ҳиссини янада мустаҳкамлайди.

**«Дунё» АА.**
Сеул

# АНЪАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТДАН — «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ»ГА

*Бир вақтлар оддий табиат ҳодисаси сифатида қаралган иқлим ўзгаришлари бугун жаҳонда глобал таҳдид тусига кирди. Ҳатто, дунё ҳамжамияти мазкур хавфни инсоният олдида турган энг жиддий муаммолардан бири, дея тан олмоқда. Унга қарши ўз вақтида чора кўрмаган давлатлар эса иқлим ўзгаришлари юзага келтирадиган жиддий оқибатларга қарши катта маблағларни мобилизация қилишига тўғри келади.*

## Нуқтаи назар

Бу масала, нафақат муайян мамлакатлар, балки жаҳон иқтисодиётига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Маълумотларга кўра, асримизнинг охирига бориб иқлим ўзгаришлари оқибатида дунё ялпи ички маҳсулоти 20 фоиз иқтисодий зарар кўриши мумкин. Жараён билан боғлиқ салбий таъсирларга, айниқса, Марказий Осиё минтақаси ўта мойиллиги билан ажралиб туради. Шу боис глобал таҳдидга қарши Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорликда комплекс ечимларни топиши ниҳоятда муҳимдир.

Давлатимиз раҳбарининг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати, ташаббуслари туфайли сўнгги йилларда қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги — соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилгани бунга имконият яратмоқда. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қаторида, шубҳасиз, экологик муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2019 йилда Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб Глобал яшил ўсиш институтига аъзо бўлди. Юртимиз Париж битими доирасида 2030 йилга қадар “буғхона газлари”ни атмосферага чиқаришни 10 фоизга қисқартириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни мунтазам бажариб келмоқда.

Айниқса, иқлим ўзгариши бўйича Париж келишувининг ратификация қилиниши, “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Экологик аудит тўғрисида”ги янги қонунларнинг ҳамда “Ўрмон тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши соҳанинг ҳуқуқий асослари вазифасини ўтамоқда.

Энергия олиш мақсадларида атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва табиий углеводород ёқилғи ресурсларининг камайиши “яшил энергия”дан фойдаланиш, жумладан, қуёш, шамол, сув манбаларидан фойдаланиш инсоният тараққиёти ва хавфсизлиги нуқтаи назаридан энергия олишнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

2030 йилга бориб қуёш электр станциялари қувватини камида 5 минг, шамол электр станциялари бўйича эса 3 минг мегаваттга етказиш режа қилинган.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш, ижтимоий инфратузилмани яхшилаш ва ҳудудларни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитлар яратиш мақсадида “ақлли шаҳар” технологияларини жорий қилиш концепцияси қўлланилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятли.

Бу борада Корея Республикасининг бой тажрибасидан фойдаланиш ушбу мақсадларда белгиланган миллий марраларни самарали амалга ошириш имкониятларини яратади.

Шу нуқтаи назардан, экологик маданият, таълим-тарбия борасида ўзаро ҳамкорлик масалалари ҳам кенг муҳокамалар мавзуси бўлмоғи лозим. Зеро, “яшил иқтисодиёт”ни барпо этишга ёшларни кўпроқ жалб қилиш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

**Ислом ХУШВАҚТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ДЕПУТАТЛАР ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

1

Шунингдек, тақдим этилган ҳисоботга кўра, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда хорижий туристлар сонини 9 миллионга етказиш мақсад қилинган бўлиб, унинг доирасида жорий йилда пандемиядан сўнг давлатлар кесимида хорижий туристлар сонини 2,7 миллионга етказиш бўйича маркетинг стратегияси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилган.

Таъкидланганидек, туризм хизматларини ривожлантиришга 29,4 млрд. сўм, маданий мерос объектлари ривожи учун 117,3 млрд. сўм, музейлар фаолиятини яхшилашга 43 млрд. сўм ва туризм соҳасидаги таълим муассасаларини ривожлантиришга 73,1 млрд. сўм лимит белгиланган.

Йиғилишда фракция аъзолари ўз таклифларини билдирган ҳолда, Давлат дастурининг ижроси ҳақидаги Ҳукумат ҳисоботини қўллаб-қувватлади.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида Давлат дастурида назарда тутилган топшириқлардан 87 тасининг ижро муддати жорий йилнинг биринчи чораги этиб белгиланганi, улардан 64 та банд ва кичик бандлар ҳозиргача тўлиқ бажарилгани, 6 тасининг ижро муддати узайтирилгани ҳамда 17 тасининг ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилаётгани қайд этилди.

Ҳисоботга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига мувофиқ, 2021/2022 ўқув йили якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқатлантириш тажрибасинов тарзида ташкил этилди.

“Аёллар дафтари”ни юритиш орқали ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий, психологик, тиббий ва моддий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида шу йилнинг 31 мартида Вазирлар Маҳкамасининг “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Шунингдек, жорий йилда 630 минг 232 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қиз “аёллар дафтари”га киритилиши кўзда тутилган ва уларга 3 трлн. 83 млн. сўмлик ижтимоий-иқтисодий кўмак берилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизларга кўрсатиладиган 41 турдаги хизматлар (ёрдамлар) тўплами жорий қилинди. Эътиборлиси, эндиликда хотин-қизлар 1 йил давомида ушбу ёрдамни олиб, ўзининг рўзғорини мустақил тебратадиган даражага етганидан сўнггина уларни “аёллар дафтари”дан чиқариш мумкин бўлади.

Қизғин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Давлат дастурининг 2022 йил I чорагида бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади.

Йиғилишда фракция фаолиятига доир масала ҳам кўриб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ҚИЙНОҚҚА СОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТЛАР ҚАЧОН БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ?

*Асосий Қонунимизда ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.*

## Фикр

Ўтган йиллар давомида ушбу моддада назарда тутилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини янада кучайтириш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳолатларини бартараф этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.

Аммо олиб борилаётган ислоҳотлардан тўлақонли хабардор бўлмаган ва давр талабини тўғри англаб етмаган айрим масъул шахсларнинг ўз меҳнат фаолиятига бўлган эътиборсизлиги сабабли суриштирув, тергов ва жазони ижро этиш муассасаларида қийноқлар билан боғлиқ ҳолатлар учраб турибди.

Бу каби кўринишларни тўлақонли бартараф этиш мақсадида 2021 йил 26 июнь куни давлатимиз раҳбарининг “Қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизимини халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумэътироф этилган принциплари ҳамда нормаларига мувофиқлаштириш, қийноққа солишдан жабрланганларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилиши, шу билан бирга, уларга етказилган зарарнинг компенсация қилинишини таъминлашга қаратилган бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузурида Қийноқ ҳолатларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик гуруҳлари ташкил этилди. Ушбу гуруҳларга гауптвахта, махсус қабулхона, вақтинча сақлаш ҳибсхонаси, тергов ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси, интизомий қисм, мажбурий даволаш муассасаларида қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича мониторинг ташрифларини мунтазам равишда амалга ошириш, ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланадиган жойларда сақлаш шарт-шароитларини ўрганиш ва улар юзасидан ахборотларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш ҳамда қийноққа солиш ҳолатларини аниқлаш, уларни тезкор бартараф этиш бўйича талабномаларни тегишли давлат органига тақдим қилиш ваколати берилди.

Шунингдек, қарорда БМТнинг устав органлари ва шартномавий қўмиталари тавсияларини ҳисобга олган ҳолда қийноққа солишнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни такомиллаштириш, қийноққа солишдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни компенсация қилиш тартибини ишлаб чиқиш каби устувор вазифалар белгиланган.

Ушбу вазифалар ҳамда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг Ўзбекистоннинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт бажарилиши бўйича тақдим этган бешинчи даврий ҳисоботи ва якуний мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига қийноққа солишдан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, кодекснинг терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ҳамда суднинг қонунга хилоф ҳаракатлари туфайли етказилган зарар учун жавобгарликни белгиловчи 991-моддасига қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш натижасида етказилган зарарнинг тўла ҳажмда тўлаб берилиши белгилаб қўйилди.

Шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг юқоридаги ҳаракатлари ғайриқонуний равишда содир этилганда жабрланувчига руҳий ва жисмоний азоб етиши мумкинлиги ҳисобга олиниб, бунда жабрланувчи бошидан кечирган оғир ички кечинмалари ва изтиробларини юмшатиш мақсадида маънавий зарар қопланиши ҳам назарда тутилиб, Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси иккинчи қисмига, яъни маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар, қопланиши лозим бўлган ҳолатларга — қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш жинояти натижасида етказилган зарарни қоплаб бериш белгиланди.

Умуман олганда, қонунчилигимизга киритилган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар, аввало, инсон қадр-қимматини юксалтириш, фуқароларга қийноққа солиш оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарни идоралар ўртасида сарсон бўлмасдан ундириб олиш имконини беради.

**Иномжон ҚУДРАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 448. 31 726 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.35 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6